

O'zbekiston adabiyoti va san'ati



ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊЪАТИ

Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • www.uzas.uz • 2008-yil, 14-mart • № 11 (3943)

ҲАМКОРЛИКДА ҲИКМАТ КЎП

Ўзбек ва туркман халқларининг густиги, маданий-маърифий алоқаларимиз илгизлари қадим замонларга бориб тақалади. Тилимиз, маданиятимиз, байрамларимиз, урф-одатларимизга ўзаро муштараклик мавжуд. Биз Махтумқулини нечоғли севиб ўқисак, қардош туркман халқи Алишер Навоий асарларини ҳам хушхуш шундай мутулаа қилишадиган.

давлат ўзаро муносабатларининг суръат ва сифатини оширишга, ҳамкорлик алоқалари, хусусан маданий-маънавий мулоқотларни кучайтиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Президентлар Ўзбекистон-Туркменистон алоқаларининг бугунги ҳолатига баҳо бера эканлар, ҳар икки томон учун ҳам манфаатли бўлган бу алоқаларни янада кучайтириш бугунги куннинг муҳим зарурати эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Ўзбекистонда туркман, Туркменистонда ўзбек миллатига мансуб кўп аҳоли истиқомат қилади. Бинобарин, маданий, гуманитар алоқаларни янада кучайтириш, маданият, санъат, илм-фан, спорт, сайёҳлик соҳаларини бирга қилиб ривожлантириш учун ҳар икки томонда ҳам яхши замин бор.

Музокаралар чоғи гуманитар

соҳадаги алоқаларга алоҳида тўхталиб ўтилади. Мамлакатимиз вилоятларида, жумладан Тошкентда туркман миллий маданият марказлари фаолият олиб бормоқда. Туркман тилида дарс ўқитиладиган мактаблар бор. Туркман миллатига мансуб аҳолининг тили, маданияти, урф-одатларини сақлаш ва ривожлантириш бўйича тегишли тадбирлар мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда.

Ташриф доирасида Туркменистон Президентига Тошкент тиббиёт академиясининг фахрий доктори унвони берилишига баришланган таътанали маросим бўлиб ўтди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Президентлар Исмоил Каримов ва Гурбангули Бердимухамедов музокаралар ўзаро ишонч ва ҳурмат ҳақида, ишчан кайфиятда ўтганини таъкидладилар. Икки томонлама муносабатларга доир ва халқаро, минтақавий муаммолар борасидаги масалаларни муҳокама қилиш чоғида икки давлат раҳбарларининг нуқтаи назари ўхшаш ва яқин эканлиги алоҳида қайд этилди. Президентлар ўзаро алоқалар бундан буён ҳам изчил ривожланиб боришига қатъий ишонч билдирдилар.



М.АМИН (ЎЗА) олган сурат.

МУКОФОТ МУБОРАК, ЗУЛФИЯ ИЗДОШЛАРИ!

Ўзбекистон Республикаси Президенти Исмоил Каримовнинг қарорига биноан алоҳида, зукколиги, ўқигачи муваффақиятлари ва ташаббускорлиги билан ноёб истеъдодли намоён эътиборга ҳама ақабиде, маданият, санъат, фан ва таълим соҳаларидаги алоҳида ютуқлари учун Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг куйидаги иқтидорли қизлари Зулфия Мувофоти билан тақдирландилар:

Далиева Гулисо Умидалевна — Термиз давлат университети қошидаги Термиз академик лицейининг 3-курс талабаси, Абдунонова Дурдона Абдумажид қизи — Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети қошидаги академик лицейининг 2-курс талабаси, Холдикова Нозимхон Шухратжон қизи — Фарғона вилояти Риштон туманидаги 27-умумий ўрта таълим мактабининг 11-синф ўқувчиси, Умирова Гулноза Закирбаева — Хоразм вилояти Урганч шаҳридаги 5-умумий ўрта таълим мактабининг 9-синф ўқувчиси, Файзий Юлдуз Рашид қизи — Алишер Навоий номидаги "Нафис санъат" йўналишига ихтисослаштирилган республика мактаб-интернатининг 11-синф ўқувчиси.

Давлатимизнинг юксак мукофоти сазовор бўлган қизларга ўқишда, ҳаётда ва ижодий-ижтимоий фаолиятда янги муваффақиятлар тилаймиз.

Мамбетирзаева Несибела Мухаммедақовна — Қорақалпоғистон давлат университети қошидаги 1-академик лицейининг 3-курс талабаси, Рустамова Рунона Баҳрамжоновна — Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институтининг 2-курс талабаси, Раҳмонова Умида Эркиновна — Бухоро вилояти Ромитан туманидаги 41-ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг 11-синф ўқувчиси, Ҳамрақулова Юлдуз Ойбекқовна — Жиззах политехника институтининг 2-курс талабаси, Аббосқовна Ниглуфархон Аббосқовна қизи — Қарши давлат университетининг

2-курс талабаси, Бекбутаева Сарвиноз Шавкатовна — Навоий вилояти Набҳақор туманидаги 17-умумий ўрта таълим мактабининг 11-синф ўқувчиси, Алижоновна Севара Улуғбек қизи — Наманган вилояти Учқўрғон туманидаги 6-ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг 11-синф ўқувчиси, Амонова Рушана Рашидовна — Самарқанд вилояти Жомбой туманидаги 23-умумий ўрта таълим мактабининг 9-синф ўқувчиси, Исақова Мафтуна Абдукаримовна — Сирдарё вилояти Гулистон туманидаги 27-ихтисослашган мактаб-интернатининг 11-синф ўқувчиси, Сай

ҚАРДОШЛАР ҲИММАТИ

Кўшни Туркменистонда чоп этиладиган қатор нуфузли газеталар ўз саҳифаларида мамлакатимиз маданий-маърифий ҳаёти, адабий жараёни ва бошқа маълумотларга доир мақола, шеър ва ҳикояларни эълон қилмоқдаки, бу хушхабар азалдан дўст ва қардош икки мамлакат ўртасидаги алоқалар янги мазмун кашф этиб, тобора мустаҳкамланиб бораётганидан далолат беради.

Хусусан, "Тикланг", "Адабиёт ва санъат", "Ўқитувчилар газетаси" газеталарининг кейинги ойларида чоп этилган бир неча сонларида ўзбекистон Қажрамон, халқ ёзувчиси Абдулла Ориповнинг туркум шеърлари туркман тилига ўтирилиб, шеърят муҳлислариға тортиқ қилинган. Шoirнинг "Мен нечун севаман Ўзбекистонни?", "Сен баҳорни соғинадиганми?", "Паҳлавон Махмуд қабри қошида", "Тилла баллиқча", "Абдулла Қаҳҳор", "Булоқ", "Арслон чорлаганда", "Дорбоз", "Юртим шамоли", "Мақтуб", "Гўзаллик" ва бошқа машҳур шеърларини ўзбек тилидан Сейитмаммет Хидиров ва Фафур Ҳайдаровлар таржима қилишган.

Таниқли қирғиз халқ оқини Сооронбой Жусуевнинг номи ўзбекистонлик шеърят илосмаңдарига яхши таниқ. Сооронбой оға узоқ йиллардан сери янги янги шеърлар туркумлар яратиб билан бирга бадиий таржима билан ҳам фаол шуғуллааниб

келади. Шекспир, Байрон, Бернс, Лорка, Гете, Гейне, Пабло Неруда, Хайём, Тарас Шевченко, Якуб Колас, Максим Таққ, Межелайтис, Нозим Ҳикмат, Расул Гамзатов, Қайсин Қулиев, Миртемир, Самад Вурғун, Мирзо Турсунзода ва бошқа кўлаб атоқли шоирларнинг шеърлари қирғиз тилида ўзига хос оҳангда жаранглаган.

Яқинда Бишкекдаги "Бийиктик" нашриёти Сооронбой Жусуевнинг "Европа-Осиё кўшиқлари" деб номланган янги тўпламининг босмадан чиқарди. Унга дунё халқларининг юздан ортиқ шоирлари шеърларидан қилинган таржималар жамланган. Шеърли таржималарнинг муаллифлари орасида Ажиниёв, Бердах, Зулфия, Миртемир, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Ибройим Юсупов, Назармат, Турсунбой Адашбоев ва бошқалар бор.



EDEBIYAT VA SUNGAT

12 март кун Тошкентда Президент Исмоил Каримов ташаббуси билан "Орол муаммолари, уларнинг аҳоли генотида, ўсимлик ва ҳайвонот оламига таъсири ҳамда оқибатларини енгилаштириш учун халқаро ҳамкорлик чора-тадбирлари" мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.

Она сайёра — кўриқхона

сининг қисқача мисоллари, холос. Бугунги кунда шуниси мулақо равшанки, Оролбўйида келиб чиқши ва асоратлари жиҳатидан халқаро, глобал характердаги мураккаб экологик, иқтисодий-иқтисодий ва демографик муаммолар комплекси юзага келган.

ОРОЛ ДАРДИ — ОЛАМ ДАРДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Исмоил Каримов халқаро анжуман қатнашчиларига табрик йўллади. "Орол генетики муаммосининг илгиз узоқ ўтмишига бориб тақалади. Аммо бу муаммонинг кўлами ХХ асрнинг 60-йилларида хавфли тус олади, — дейилади Президентимиз табригида. — Янги ҳосил бўлган чўл Оролбўйи хуудунини шайқашчиларни қамраб олмоқда... Сув ресурсларининг, жумладан ичимлик сувининг тақислиги ва унинг сифати пасайиши, ерларнинг заволатопиши, биохимия-хилликнинг кескин камайиб кетиши, атмосфера ифлосланишининг охишии натижасидаги иқлим ўзгаришлари, эҳшим, шу билан боғлиқ минтақа асосий дарёлари оқинининг катта қисми ҳосил бўладиган Помир ва Тянь-Шан музликлари майдонининг қичқлашуви — бу Орол ноубуд бўлаётгани натижа-

...Конференция натижалари Орол муаммосига халқаро ҳамжамиятининг янгича назар билан қарши ва англаб етишини шакллантиришга ёрдам бериши ҳамда Марказий Осиё минтақасининг аҳоли генотида, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини ҳимоя қилиш мақсадида янада самарали ҳамкорлик учун асос бўладиган вазиятни яхшилаш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш имконини беришига ишончим комил".

Халқаро анжуман доирасида Марказий Осиёда сув ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш истиқболлари, экологиянинг аҳоли ирсияти ва саломатлигига таъсири, бу борадаги вазифаларни ҳал этиш йўллари, Оролбўйида турмуш даражасини ошириш чора-тадбирлари каби муҳим масалалар кўриб чиқилди ва мазкур халқаро конференциянинг Тошкент декларацияси қабул қилинди.

байрамлар фаслидир.

Кўргазмада баҳор ва аёллар гўзаллигини тараннум этувчи 200 дан ортиқ асарлар намойиш этилмоқда. Рангтаъсир, графич

Кўргазма залларида

Бадиий академиянинг марказий кўргазмалар залида Ха-

БАҲОР ШАРОВАТИ

ақаро хотин-қизлар кунига баришланган кўргазма давом этмоқда. Баҳор таровати барчани ёшартиради, кўнгилларни равшан этади. Чунки баҳор шодиналарга тўлиб-тошган

ка, ҳайкалтарошлик, майда асарларда аёллар қалбидеги қувонч, баҳор соғинчи, аёл гўзаллиги намоеён бўлган. Людмила ва Диана Содиковаларнинг ранг-баранг гуллар оғушидаги натюрморتلари, манзаралари табиийлиги ва рангларининг ёрқинлиги билан томошбинлар эътиборини тортади. Шаҳноза Абдуллаеванин "Япон боғи", "Олма дарахти" асарларидаги манзаралар сокинлиги, ранглар нафислиги кўнгилларга хушро бағишлайди. Ёш ижодкорлар асарларида эса райрат, қувонч ва шижоат, кўтаринки руҳ уфуриб турибди.



В.ГРАНКИН олган сурат.

Ўз ахборотимиз

ЛОЛАЛАР ЧИҚДИ

Яна дашту адирларга қикирлаб лолалар чиқди, Яна ёр лабларидан байт ўқир лаб, лолалар чиқди.

Яна осмон замин узра пақирлаб жолалар куйди, Яна ошиқ дилидан ранг ўғирлаб лолалар чиқди.

Кўёш сандиқларин очди, сеҳрли толалар сочди, Яна бори тирикликни сеҳрлаб лолалар чиқди.

Қизил кўйлак кийиб чиқди, шаҳарни куйдириб чиқди, Сайлга нозанинлармас, пиқирлаб лолалар чиқди.

Бутун олам бўлиб гулфом, муҳаббат ўзи туттай жом, Назар айла сахар ё шом чоғир лаб лолалар чиқди.

Қикирлаб лолалар чиқди яна дашту адирларга, Менинг жону дилимдан ҳам биқирлаб лолалар чиқди.

Сирожиддин САЙИД

Ўзбекистон давлат консерваториясида ёш ижрозилар ва халқ артистлари иштирокатида опера оқшони бўлиб ўтди. Машҳур жаҳон ва ўзбек операларида намуналар Б.Худойқулов ва Т.Мирзаевлар дирижёрлиги остида Ўзбекистон Миллий симфоник оркестри томонидан ижро этилди. Иқтидорли хонандалар Ойгул Фулом ("Ромео ва Жулетта"дан Жулетта), Яника Багрянская (Римский-

ОПЕРА ОҚШОМИ

Корсаков, "Қорқиз"), Н.Мухамедов (С.Юдаков "Майсаранинги иши"), Самангал Алимов ("Ария"), Ж.Верди "Риголетто"), консерватория талабалари Ж.Идрисов (Моцарт, "Дон Жуан" Риберела арияси), Раҳим Мирзақамолов (Чайковский, "Евгений Онегин"), Ж.Бизе, "Кармен") ижрозиларни кўпчиликка манзур бўлди.

Айниқса, Ўзбекистон халқ артистлари — Муъассар Раззоқова ва Исмоил Жалиловлар ижросида янтраган опера кўшиқлари томошабинлар юрагини забт этди.

З.МАШАРИПОВА

Бобур — 525



"ЭЛИНИНГ ОРАСИДА ҲУСНИ ХАЙЛИ БОР..."

Яқинда бир танишимнинг "Бобурнома"даги баъзи ифода ёки жумлани тушунамасам, асарнинг Салиё томонидан рус тилига ўтирилган нашрига мурожаат қиламан" деганини эшитиб қолдим. Бу менга қалти туюлди, тўғриси, оғир ботди: ўз тилимизда ёзилган буюк асарни, гарчи айрим ифода ва жумаларини бўлса-да, бошқа тилга таржимаси орқали тушунасак! Шу баҳона бўлдию, асарни таржимаси билан бироз солиштирдим ва танишимдан бежиз койинганимни тушунадим. Чунки "Бобурнома"да ҳар қандай билимдон мутахассисни ҳам ўйлантириб қўядиган жиҳатлар анчагина экан. Биргина Андижон таърифи билан боғлиқ тафсилотлар мисолида бунга иқдор бўлиш мумкин. Солиштириш асосида тузилган мулоҳазаларимни қорозга туширишга аҳд қилдим.

"Бобурнома" бошланғичдаги "Тентри таолонинг инюти билан ва ҳазрати он Сарвари коинотнинг шафоати билан ва чохорёри босафоларнинг ҳиммати билан сепанба кунни, рамазон ойининг бешинда, тарих секкиз юз тўқсон тўққузда Фарғона вилоятида ўн икки ёшта подшоҳ бўлдум" жумласи шундай берилган: "Во илми Аллах милоствого, милосердного! В месяце рамазане года восьмисот девяносто девятого я стал государем области Ферганы на двенадцатом году жизни".

Таржиманда жумланин "рамазон ойининг бешинда..." гача бўлган қисми ташлаб кетилган. Асар таржимасининг 1993 йилги қайта нашрида диний ифодаларни қўлаш учун тўсиқ бўлган мафкурани тазийқлар аллақачон барҳам тошган эди.

Бинобарин, қайта ишлаб, тахрир қилинган бу нашрда аввал ташлаб кетилган ифода акс этиши керак эди. Улар шунчаки анъанавий бошланғич бўлиб қолмай, муаллиф дунёқарши, эътиқодининг инъикоси ҳамдир. "Тентри таолонинг инюти" дейиш билан то муслмонларга хос барча яхши ва ёмонликлар Оллоҳ таолодан эканлигига иқдор бўлиш, "ҳазрати он Сарвари коинотнинг шафоати"ни таъкидлаш билан айрим бузук тоифалар сингарни пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг шафоат ҳақини инкор қилувчилардан эмас, балки Яратган томонидан расули акрамга берилган бу имтиёз неъматига, илоҳий изнга дилдан ишонувчи ҳидоятдаги мусулмон эканлиги, "чохорёри босафоларнинг ҳиммати" ибораси шиналар каби ўн икки имомга эмас, балки сунний бўлганлиги учун тўрт чохорёрига эргашини таъкидлаган. Шайбонийхонга қарши шива маҳаббати Исмоил Сафавий билан тузган сийёсий ва ҳарбий битими туфайли ўз вақтида маҳаббатуфрушлиқда айланган Бобурнинг бу таъкиди ўзига хос оқдод ҳамда таъналардан ҳимояланиш ҳам эди. "Сепанба кунни" ҳам бежиз эста олинмаган. Чунки мусулмон Шарқда инсоннинг қайси кунда тузилганига ҳам диққат қилинади, таваллауд кунининг киши тақдирига таъсир этишини ишонилади: тарих бунинг кўп гувоҳи бўлган. Булардан беҳабар Оврупо кишиси, айни пайтда, диний билимлари бўлмаган, "Бобурнома"ни рус тилида ўқийдиган юртдошларимиз учун муқаддима сатрларининг тўлиқ ўтирилиши шарт деб биламиз.

Давони тўртинчи бетда.

БИЛДИРИШ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Халқаро алоқалар ва бадиий таржима кенгаши "Ёш таржимонлар клуби"нинг биринчи машғулотини шу йил 18 март соат 15.00 да Ёзувчилар уюшмаси биносиде (Ўзбекистон кўчаси, 16^й уй, 6-қават. Тел: 227-08-31) ўтказилади. Барча қизиққанлар тақлиф этилади.

"АСАКАБАНК":

ишонч, унум, барака!

"ҒАЛЛАБАНК"

ҳамкоринг бўлса, ҳисобингдан адашмайсан!

ШИРИНМИЯНИНГ ҚАНДАЙ ХОСИЯТИ БОР?

Иккичи лойиҳа

— Шолани қаладан сўнг қўчат қилиб экишни бача афзалликларини ҳали айтмадик, — деб бошлади навабдаги гуруннинг мизини халқаро институтининг етакчи илмий ходими Акмал Каримов. — Бу усул сувни тежаб, ерни соғайтириб, даромадни кўтарилган ташқари бегона ўғларни ҳам қамайтиради. Уларга қарши ишлатилган гербицидлар тежаблади. Яна шолни ўрмидан олдин унинг ичига кузги раља сепиш, далаи қайдаш ва текислашга ҳожат қолдирилади. Деҳқон вақтдан, техника ҳаражатида ютади. Тадиқотчилар бундай янги лойиҳаларини "Ёрқин нуқта" деб аташди. Дарҳақиқат, баракиси ошган, зироатчиликка қайтган, обихаётни тежайдиган ер кўнглини ёру умидларга тўлайди. — Марказий Осиёдаги суғориладиган ерларнинг тенг ярмига яқини (47,5 фоизи) шўрланган мўйил, — дейди лойиҳа илмий раҳбари австралиялик Эндриу Нобел. — Бу ҳол экинлар ҳосилдорлигини 30 фоизга қамайтирмақда.

Осиё Тараққиёт банки, Сув ресурсларини бошқариш институти ҳамда Ўзбекистон, Қозғоғистон, Туркманистон қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликлари молиялаштириётган маъруз лойиҳа Орол денгизи ҳавзасида ер ва сув манбаларининг яроқсиз ҳола қилишга қарши кураш орқали зироатчилик учун қулай шартлар яратишни кўзда тутади. Уш тартибларимизда саноатдан ўтган усуллар амалда кенг қўллаб ҳам кўрилар экан.

Хўш, ерининг баракисини ошириш усули билан-ку, танишдик. Энди шўр босиб зироатчиликдан чиқариб ташланган ерлар қандай тикланиши билан қизиққа бошладик. Тадиқотчилар бу жараёнга экологик ҳавфсизлик қўламини кенгайтириш ҳамда озиқ-овқат мустақиллигини таъминлаш йўли сифатида қарашди.

— Экинга мейёрдан ортқ сув берилса, сизот сувлар сатҳи, уч билан бирга ер остидagi туз ҳам юқориға кўтарилади, — дейди сўхбатдошим. — Агар эвурулар сув тортмай қолса, буғуниш кучли бўлган бизнинг иссиқ шароитимизда дала те шўрлайди.

Ана шу сабабларга кўра, ҳозир ҳар йили Мирзачўлдаги унумдор ерларнинг икки-уч

фоизи завоқ топаётган экан. Уларни қайта тиклаш учун эса катта маблар талаб этилади. Хўш, муммони ҳал этадиган қулайроқ агро-технология йўқми? Бор. Бу шўрга чидамли, айни пайтда, ерни тиклаб, зарур даражада даромад ҳам берадиган экинлар устириш усули. Қорақалпоғистонда табиий равишда ўсадиган ширинмияни кўпчилик яхши билади. Ўтган асрнинг 70-80-йиллари Ховос ва бошқа жойларда (10-15 гектардан) у қимматбахо хомашеси учун етиштирилган ҳам. Унинг илдизлари кимё саноати ва экспорт учун қабул қилинган. Бироқ ширинмиянинг ер шўрини қамайтириши аниқланганга қадар уни етиштириш тўхтаб қолган.

Ширинмия илдизи турли салқин сувларга таъм ва ранг берадиган, тиббиёт амалиётида ишлатилган моддаларга жуда бой. У қимматбахо доривор ўсимлик сифатида қадимдан маълум. Илдизи ва илдиз пояси-дан тайёрланган дорилар захарланиш, аллергия, яллиғланиш, бод, беланги, бўлма, сил, чипқон, экзема ва бошқа хасталик-

охиридан гуллаб, августда пишади. Пояси таркибда оксил, ёр, қанд, каротин, 12 фоизгача протин борлигидан қимматбахо ем-хашак ҳисобланади. Ундан пичан ва силос тайёрлаш мумкин. Илдиз ҳосилини қамайтирсдан йилга икки марта ўриб ола бўлади. Ер унумини яхшилашдан ташқари чорва моллари учун зарур озиқ ҳам. Илдизидан азот тўшловчи бактериялар туپроқни биологик ўйғатта бойиғади, шўрхоқ ва унумсиз ерларда пахта билан алмашлаб экишда ширинмияга тенг келадиган ўсимлик йўқ. Мирзачўлда унинг беш хил нави яхши ҳосил беради.

Мутахассислар ширинмиядан сўнг далага пахта ва бўғдой экиб кўришганда қаладан 2,8 баробар, пахтадан эса уч баробар кўп ҳосил олинади. 1999 йилда экилган ширинмия 2001 йилда гектарига 3,6 тоннадан, 2003 йилга келиб эса 5,1 тонна ем-хашак беради. Бунга қўшимча 2002 йили гектарига 5,6 тоннадан, 2003 йили гектарига 8,5 тоннадан ширинмия илдизи ҳам тайёрланган. Ширинмия икки-уч йил кўқарғач, унга

машёси сифатидаги аҳамиятидан ташқари ер шўрини ҳам қамайтириши мумкинлиги қандай аниқланганини сўрадик.

— Профессор Давронбек Долимов ширинмия илдизидан глицирризин қислотаси асосида доривор моддалар яратишга доир тадиқотларга раҳбарлик қилаётганидан хабарим бор эди. — деб бошлади у сўзини. — Шўрга чидамли бўғдой навларини танлашга доир изланишларимда намуна учун ширинмия экиб кўриб, қутилмаган яллиғка дуч келдик. Шўр ерда ўсган ширинмия билан туз таркиби мейёрида бўлган далада ўстирилган ширинмия илдизларидаги фарқ бизни таъжубга солди. Бирининг илдизи ингичка ва бақувват бўлса, иккинчисиники йўвон ва мўрт. Сабаби шўр ерда ўсган ширинмия илдизи ёт моддалар билан табиий кураш оқибатида уни ўзига кўпроқ сиғдириб, ҳажми каттариб кетади. Шу тарика ерининг шўрини ҳам қамайтиради экан. Бу тажрибалар гулистонлик олимларнинг дастлаб Боевут тумани ҳоқимлиги, 2005 йилдан бошлаб эса Осиё Тараққиёт банки ҳамда Сув ресурсларини бошқариш институти билан ҳамкорлигиға кенг йўл очди.

Демак, шўр босиб завоқ топган ерларни тиклаш учун ширинмия экиш тажрибаси тадиқотларга ўз афзаллигини тўқис намоев этибди. Хўш, унда нега 20 минг гектардан зиёд ери қучли даражада шўрланган Сирдарё ва бошқа вилоятларда ширинмия воситасида ерларни тиклаш талабгорлар чиқмаётир? Ташвиқот камми ёки бошқа сабаблар ҳам борми? — Аввало, фермерларга яроқсиз ерларни беш йил эмас, ўн йилга солиқдан озоқ қилиб бериш керак, — дейди сўхбатдошим. — Негаки, фермер ширинмия етиштириш учун ер қайдаш, икки-уч йил давомида сувориш, уни ўриш ва илдизини қавлаб олиш учун ҳаражат сарфлайди. Буни ҳам ҳисобга олиш керак.

Ҳа, ҳамма нарса манфаатдорликка бориб тақалади. Биз баъзан бир сўмини тежайма қолем, минг сўмининг нафидан қўй юмбоқ қўя қолемиз. Ахир зироатчиликка қайтарилган ер кони фойда эмасми? Демак, мутасаддилар ширинмия илдизини фермерлардан сотиб оладиган қонуний ташкилот тузиш ҳақида ҳам ўйлаш зарур. Бугун бу иш браконьерлар қўлда. Шу сабаб ширинмия етиштирувчилар манфаатдорлиги хориждаги қараганда уч-тўрт баробар ҳам.

Ахир унумдор ерлар завоқ топиб, чўлу биёбонлар кенгайиб бораётгани, ўрмон ёниларини жами тирикликнинг ҳаёт-мамоти бўлган қислород манбаларини буткул йўққа чиқараётгани бугун ҳеч кимга сир эмаску! Ўзимиз ва фарзандларимиз яшаётган баҳри муҳида шундай кескин муаммолар бўла туриб, олимларнинг яхши бир тажрибасига қолайди қараш доно ҳаққимизнинг: олдиндан оққан сувнинг қадири йўқ, деган мақолини яна бир бор эслатмайликми? — Ана замин гузаллиги ва фаровонлик неъматларини қўлайтириш учун жон куйдиromoқ вақти — айни бугундир.

Муроқ АБДУЛЛАЕВ

БАҲРИ МУҲИТГА МАДАД ёхуд обихаётни тежовчи уч лойиҳа ҳақида

ларни даволашда, озиқ-овқат, кимё ва тор-металлургия саноатида ишлатилади. Академик Қодир Зокиров ширинмия таркибидagi моддаларга ҳосуссиятларни лаборатория шароитида тадиқ қилган. Айни чоғада, ширинмиянинг кучли даражада илдизлаши сабаб тупроқ таркиби яхшилагани ҳам кузатилади.

Демак, шўрлаш оқибатида унумдорлиги тушиб кетган ерларда тўрт-беш йил ширинмия етиштириш бизнинг шароитимизда ерини тиклашнинг энг қулай усули экан. Бу усул бошқа технологияларга қараганда жуда арзон ҳам. Бир гектар ерни тиклаш учун 70-80 АҚШ доллари kifфоя. Деҳқонлар ширинмия пичанининг бир бовини минг сўмдан сотишмоқда. Унинг илдизи ҳам пул. Бир гектардаги ширинмиядан 4-5 йилда 12 тоннаданга илдиз ола бўлади. Жаҳон бозорига унинг ҳар тоннаси 500 доллар туради.

Шўр босган ерларни тиклашнинг янги усули-ку тажрибаларда ўзини оқлади. Хўш, Боевут далаларида афзаллиги аён бўлган ширинмия янада кенроқ майдонларга экиладими? Унинг нафидан амалда кўрган сирдарёлик фермерлар бу ҳақда нима дейди?

Шу саволларга жавоб олиш мақсадида тажрибаларда фаол иштирок этётган Гулистон давлат университети кафедра мудири, биология фанлари номзоди Ҳабибжон Қўшиевга қўнйироқ қилдик. Ҳабибжон Тошкентдаги анжуманда иштирок этётган экан. Кўп ўтмай сўхбатимиз тахририят биносига давом этди. Ундан дастлаб ширинмиянинг саноат хо-

сув керак эмас — илдизи табиий ҳолда намни топиб олади. Шу боис у экилган далаларда сизот сувлари сатҳи уч метрдан кўпроққа пасайибади. Бу тупроқ шўрини кузарилиши шунчага қамайди дегандир. Айни чоғада, ширинмиянинг кучли даражада илдизлаши сабаб тупроқ таркиби яхшилагани ҳам кузатилади.

Демак, шўрлаш оқибатида унумдорлиги тушиб кетган ерларда тўрт-беш йил ширинмия етиштириш бизнинг шароитимизда ерини тиклашнинг энг қулай усули экан. Бу усул бошқа технологияларга қараганда жуда арзон ҳам. Бир гектар ерни тиклаш учун 70-80 АҚШ доллари kifфоя. Деҳқонлар ширинмия пичанининг бир бовини минг сўмдан сотишмоқда. Унинг илдизи ҳам пул. Бир гектардаги ширинмиядан 4-5 йилда 12 тоннаданга илдиз ола бўлади. Жаҳон бозорига унинг ҳар тоннаси 500 доллар туради.

Шўр босган ерларни тиклашнинг янги усули-ку тажрибаларда ўзини оқлади. Хўш, Боевут далаларида афзаллиги аён бўлган ширинмия янада кенроқ майдонларга экиладими? Унинг нафидан амалда кўрган сирдарёлик фермерлар бу ҳақда нима дейди?

Шу саволларга жавоб олиш мақсадида тажрибаларда фаол иштирок этётган Гулистон давлат университети кафедра мудири, биология фанлари номзоди Ҳабибжон Қўшиевга қўнйироқ қилдик. Ҳабибжон Тошкентдаги анжуманда иштирок этётган экан. Кўп ўтмай сўхбатимиз тахририят биносига давом этди. Ундан дастлаб ширинмиянинг саноат хо-



СУРАТТА — ширинмия далалари.

Ботир Зокиров хонадон билан яқиндан танишар эканман, оилдан етишиб чиққан ноёб истеъодлар феномени илдизларини изладим. Шоҳиста ая сиймосига диққат билан назар ташлаб, уни ақл билан эмас, балки қалб билан тушунамиздагина бу феномениннг асосий маъини кўрганимиз бўлди. Болалари истеъоднинг қурқат ёзиши учун пойдеворни шу Аёл қўйганда ва шу Аёл улар учун таянч ҳам бўлди.

Шоҳиста Сандова она томонидан Бухоро амрининг эвараси ва Туркистондаги таъриқли матрифатпарвар олим Саид қори домланинг қизи эди. Онаси 1917 йили Самарқанддаги қариндошлариникига борганида ойи-кўни яқинлашганга таъини сезиб, Шоҳизиндага бориб, улар шайх Қусам ибн Аббоснинг хилонасини тавоф этишни истиёр қилди. Феруза гўмбалари остида хилона пойнда тиз чўкиб, Аллоҳ-таолодан соф-саломат кўзи ёришини, туғилган фарзандига бахт ато этишни сўраб Қуръони карим оятларини тиловат қилаётган маҳалда уни тўлақот тутди. Қизчагини туғилган жойи Шоҳизиндага назр сифатида Шоҳиста деб аташган экан.

У болалик човлариданоқ Аллоҳнинг синовларига рўпара бўлди. Қизалоқ етим ўси — онаси эрта қазо қилганди. Сағирликда ўсган аёл одамларнинг ҳаммаси ҳам бошқаларга нисбатан доимо адолатли эмаслигини, атрофдаги одам тараватлигига эмас, балки унинг қора ранглири ҳам мавжудлигини тезда англаб етди. Шу йилларда феъл-аъвори шаклланди. У мулоийим ва таъсирчан бўлиш билан бирга, ўз ҳамияти ва гурурини химоя қилиб, одамларнинг мунофиқлигига тоқат қилолмасди.

Хонанда сифатида 1932 йили санъат оламитга кириб келган Шоҳиста хоним Москва консерваторияси қошидаги ўзбек опера студиясида ўқиб юрган вақтларида Карим Зокиров билан танишди.

40-50 йилларда у танлафуслар (фарзандлари туғилди) билан пойтахтнинг Навоий, Ҳамза, Муқимий номидаги театрларида ишлаб, турли-туман ролларни ижро этди. Санъатшуносларнинг кўпчилиги унинг овозини воқал санъатининг энг яхши намуналарига тенглаштиришарди. Афсуслар бўлсинки, Шоҳиста она кўнчиқлари шоғир-ҳаваскорлар томонидан қўйрилган ёзуварлигига сақланиб қолган. Шуларга асосланиб ҳам юқоридаги фикрда ҳеч қандай муболаға йўқлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

У биринчи марта ўзбек сахнасида мумтоз опера қўнчиқларини ижро этган, жаҳон санъатининг бу

ранжиб шундай деди: — Мен аввало фарзандларимнинг соғлом ва маълумотли бўлишини, ҳаётда ўз ўринларини топишни истагандим. Улар деҳқон бўладими, заводда ишчи бўладими, бунинг менга фарқи йўқ. Мен болаларимнинг хонанда бўлишларини ўйламаганман ҳам. Уларнинг ҳар бири ўзларининг қаерда зарур эканлигини билиб, ўз ўринларини топишди.

Тупшуншимча, Карим ака ва Шоҳиста она учун бош мақсад болалардаги қобилиятни ўзрлик билан ўстириш эмас, балки уларнинг ҳурматга лойиқ инсонлар қилиб тарбиялаш эди.

Болалардаги эркин фикрлаш, баҳолан ва бирор бир тўхтама қелишда мустақиллик, улар табиатидаги ўзига ҳослик — ҳаммаси онадан ўтганди. Қундалик ҳаётда эркин бўлиш, кўпчилик қабул қилган ахлоқий мейёрларга нисбатан муноросасизлик, умуман омма ортидан

қиррасини ўзбек халқига очиб бера олган санъаткорлар авлодидан ҳамдир. Қолаверса, Шоҳиста Сандова дастлабки халқ қўнчиқлари — лапарлар ижрозиси ҳисобланади. У халқ қўнчиқчилик санъатини пухта билар ва лапарларни концертларда ҳамда дўстлар даврасида маромига етказиб айта оларди. Унинг санъаткорлик истеъоди тула ифодасини толмаганининг боиси, ижоднинг айни гўллаб-йишган вақтида асосий кучи ва вақтинги оилага, болаларига бағишлаганидир. Албатта, бунинг учун афсус чекишининг сира ҳам жоҳати йўқ... Зеро, тақдир унга ўта истеъодли фарзандларга она бўлишни насиб этганди.

Ўтган асрнинг саксонинчи йилларида телевидениеда берилган Зокировлар сулоласи ҳақидаги кўрсатувда бошловчи Шоҳиста Сандованинг нақ озига микрофонини тутиб шундай савоқ беради: — Сиз фарзандларингизнинг таниқли, истеъодли артистлар бўлиб етишганидан бахтимизми? Сиз уларнинг қўнчиқчи бўлишини истамаганингизми?

Шоҳиста ая микрофонни астагина суриб, журналист қизининг бетакаллуфлигидан бироз эргашмасди, яъни ҳамма Хемингуэй ҳақида гапириб юрган пайтда Достоевскийни мутулаа қилиш, ҳамма Пугачёвга муккасидан кетган пайтда Вертинскийни тинглаш, бошқалар "болонга" пилчиға ўтганда, оми пилчиғини кийиб юриш жуда ҳам қийин нарса. Ахир, одамларнинг гап-сўзлари нимага қодир эмас. Не бахти, бу борада Шоҳиста ая мустақил эди.

Виждон, номус, ҳалолик каби тушунчалар Шоҳиста Сандова учун инсонийликнинг бош мезони эди. Шоҳиста ая болалари олдига қўйган ахлоқий-маънавий бир



йўналиш тўғрисида гапирмасдан ўтмайлик. Пухта таълим-тарбияга эга, варз бастакорлари ижодини яхши билган, уларнинг асарларини ижро этган бу аёл, энг аввало, ўзбек халқ мусиқаси ва қўнчиқларини севарди. Инсон ўз

қувватлариди. Фарзандларини муваффақиятларидан эса ҳақдан ташқари қувонарди. Бу ўринда ҳар қандай кўп болаи она дуч келадиган қундалик турмуш ташвишлари ва югур-югурлари хусусидангина айтмайлик. Табиийки, эрнинг юксак парвози ҳам хотинга боғлиқ. Айнан шу ўринда Шоҳиста ая бутун оиланинг таянчи ва илҳомчиси эди.

Аллоҳ таоло унга болаларининг ўсиб улғайганини, санъатда ўз ўринларини топиганини кўриш бахтини мумясар этди. Ўз халқининг севигиси, хурматига сазовор бўлган болаларни ўстирган она учун гурурланиш, фахрланиш ҳиссидан юксакроқ нарса борми! Фақатгина шу таскиннинг ўзи ҳам умртанга маъно беради, ер юзида нимираб юришининг оқибати.

Ботир бир сафар онасини ижодий сафар муносабати билан Ленинградга олиб кетди. Концертда

қувватлариди. Фарзандларини муваффақиятларидан эса ҳақдан ташқари қувонарди. Бу ўринда ҳар қандай кўп болаи она дуч келадиган қундалик турмуш ташвишлари ва югур-югурлари хусусидангина айтмайлик. Табиийки, эрнинг юксак парвози ҳам хотинга боғлиқ. Айнан шу ўринда Шоҳиста ая бутун оиланинг таянчи ва илҳомчиси эди.

Аллоҳ таоло унга болаларининг ўсиб улғайганини, санъатда ўз ўринларини топиганини кўриш бахтини мумясар этди. Ўз халқининг севигиси, хурматига сазовор бўлган болаларни ўстирган она учун гурурланиш, фахрланиш ҳиссидан юксакроқ нарса борми! Фақатгина шу таскиннинг ўзи ҳам умртанга маъно беради, ер юзида нимираб юришининг оқибати.

Яхшилар ёди

инсонларнинг қоқилишини, хато фақиятларидан пойлайдилар... Зокировларнинг довури ва шухрати қанча кенгайиб борса, ҳасадуғйлар учун бу олашунчалик торайиб борди. Улар шундай вайригайиб миш-мишларини тўқиб-чатишардики, инсон зотининг бунчалар туғуналушувига ақл бовар қилмайди. Ўзбек киносининг тамал тошини қўйганлардан бири, ажойиб зот Наби Ганиев бундай кимсалар хусусида шундай деганди: — Агарда уларда виждон бўлганида, юзлари қоп-қора бўлиши таянч эди!

Ҳасадуғй ва тухматчилар йўлларига ўқлар Зокировларнинг қай бирига йўналтирилмасин, у энг аввало онаизорнинг шикаста қалбини тирнарди. Аммо қисматнинг аччиқ шаробини ичишдан бошқа илож йўқ... Оғир касалиқдан кейин Навфал оламдан ўтди. Ҳеч бир ота-она бошига фарзандини дафн этишдек оғир савдо тушмасин экан. Уларнинг дафн маросими онаизорни

букиб қўйди. Кетма-кет яна бир зарба — кўп ўтмасдан елкадоши Карим ака жигарбанди қўйида до бўлди. Қаердадир ўқиганман — "у севиги тўла юрагини азобланаётган одамларга тутди" деган ибора хотирамга ўрнашиб қолган. Бу гап Карим ака тўғрисида айтилагандек тулолади. Улар икки ёрти бир бутун эди, бир-бирларини сўзсиз тушунар, севар ва қўллаб-қувватларди. Қисқаси, битта ҳаётда яшашарди. Карим ака ўзининг умри қисқалигини кўнган сезган шекли, аёлига алоҳида меҳр кўрсатар ва ғамхўрлик қиларди. Уни асараб-авайларди.

Аёл бамисоли қанотлари кесиб олинган қуш каби эрини қаро ерга қўйди... Навбатдаги катта жудолик... Тўнғич ўғли Ботирнинг ўлими дара устига чипқон бўлди... У бунга қандай дош берди? Шифокорлар унинг юраги ниҳоятда бақувватлигини айтишарди. У бунга яна чидайди. Аммо ўша мотам кўни ўғли билан биргаликда онаизорнинг ҳам қалби улган эди: тинмай томиб турса, томчи ҳам тошини майдалар экан.

Ботирнинг вафотидан кейин Она ўн беш йил бу ҳаётнинг си-

БЎРТТИРИШГА ҲОЖАТ ЙЎҚ

Газетачиликда нималар бўлмайди, дейсиз. Баъзан бироз хаспўшлашга ҳам тўғри келади. Шоир, ёзувчи, санъат соҳаси фалоларига ёки касбдош ўстаиринимизга тўйхат ёзганимизда, истеъодлари даражасини бир мунча кўтариб ёзмамиз, яхши ниятда фазилатларига фазилат қўшамиз. Чунотки, тўйбола ёзувчи бўлса, "китоблари халқимизнинг маънавий хазинасидан алақачон ўли галлаганини", актёр бўлса, "саҳна санъатимизнинг унинг ижодисиз тасаввур этиб бўлмаслигини" алоҳида таъкидлаймиз. Ахир, тўй деганлари тўйдай ўтиши керак-да.

Аммо, орамизда шундай одамлар ҳам борки, улар ҳақида ўйлаганимизда, ёзганимизда ёки ким биландир гурун қилганимизда, эзгу амалларини атайлаб бўрттиришга ёки бирор нимани қўшиб ёзишга мутлақо ҳожат бўлмайди. Ҳаётининг айрим жиҳатларини қозоғга туширсанг, шунинг ўзи kifфоя. Шундай одамлардан бири — умрини миллий матбаачилигимиз равишга бағишлаган, ҳалол меҳнати, тинимсиз изланиши ва, албатта, ташкилотчилик салоҳияти билан оддий ҳарф терувчиликдан настриёт раҳбари даражасига кўтарилган устоз Исроом ака Шогўломовдир.

"Шарқ" настриёт-матбаа акциядорлик компанияси шоир ва ёзувчилар, журналист ва шоирларнинг кўпчилиги учун қадрдон уйга, сал узоқлашса, соғиниб қоладиган кўнгли маконига айланган қолган. Бунинг боиси, Исроом ака узоқ йиллар раҳбарлик қилган, матбаачиликни санъат ва илм даражасига олиб чиққан бу кўтулур даргоҳ уларнинг илқ ижодий парвозига оқ йўл тилган. Кўпчилигимиз шу ҳақида қанот ёзганмиз, уйли-жойли бўлганмиз. Шу жамоада меҳнат қилиб, элзуртга танилганмиз.

Бугун, устоз кўтулур 80 ёшларини қаршлаётганлариди, у киши ҳақида нималарни ёзиш мумкин? Бу саволининг жавоби ҳам осон, ҳам қийин. Осонлиги — қаламга қўлини қўйиб, кўнглини кўтара оладиган раҳбар эди", деган жумлани қўшиб қўйиш керак. Бас, бундан ортинга ҳожат йўқ. Ҳаётда равон йўллар, ёруғ кўчалар кўп. Аммо бир ишнинг бошини маҳкам ушлаган, бир мақсад йўлида қатъият билан олағи интилаётган одам фақат шу йўл, шу кўчалардангина юрмайди. Элзурт ташвиши уни қутилмаганда хира ва зах қўчаларга, тор ва чағир сўқмоқларга ҳам бошлаб қолади. Чап беришга, четлаб ўтишга имкон бўлмайди. Бу ёруғ оламда яшамоқнинг маъносини — мана шу йўллардан беҳавотир, дод-фарёд қилмай ўта олишда. Шу йўлларда кўпчилик дуч келадиган ногаҳоний синовларга, бемаврид зарбаларга дош беришда.

Исроом ака шу маънода ҳам биз шоғирларига ўрнақ бўла олади.

Тўйхат ўзини ўрнини боса олади. Боса олмаса, унинг ёнига "Устоз, гарчи ёзувчи ёки шоир бўлмасам ҳам, ёзувчини, шоирни, ижодкор борки, барини тушунадиган, зарур пайтда елкасига



А. МЕЛИБОВЕВ



Шоҳиста ая она аълолари билан 1933 йил.

КҲҲҲИМЛАРГА КҲҲАР ОҲАНЛАР

Ойдин ҲОЖИЕВА
Ўзбекистон халқ шоири



Ох, дунё!
Ўтдим қил кўприқдан жоним ҳовучлаб,
Сабрин лангарчўи ўрнида тишлаб,
Турдинг-ай онамдай ёқангин ушлаб!

Ох, дунё!..

Билолмадим, душманмисан, дўстмисан,
Баҳормисан, ҳазонрезги кўзмисан?
Бир қарасам, қариндошдай экинсан,
Билолмадим, бегонами, ўзмисан?

Сўзингдан бол томганида эридим,
Заҳрингдан гоҳ дарё каби қурдим.
Гоҳ пўстимга сомон тикдинг, торидим,
Қақраган чўлмисан, ё андизмисан?

Балад тоғлар титраб гоҳи наст бўлди,
Қадринг гоҳи олтин, гоҳи мис бўлди,
Гоҳи қойим, гоҳида белафз бўлдинг,
Айттил, ўзи атласмисан, бўзмисан?

Қиш чўзилди. Аччиқ аёзлар
Дилдириб қўйди жонларини.
Қайлардасан, офтобли ёзлар,
Иситсанг-чи устихонларини!

Сен, сурнайчи шамоллар, хушвақт
Эргаштириб келгин баҳорини.
Ўзинг кураб қўйсанг-чи, бевақт
Бошимизга ёққан қорларини.

Бойчечакнинг пилклариди
Шамчироклар ёндирилди порлоқ.
Одам аҳлин илкларида
Бадар кетсин рутубат, чарчоқ.

Қалдирғочим, қанотларингни
Қулгўг билиб сурай қошимга.
Танграм, сочигил нажотларингни
Ойга, кунга йўлдош ёшимга...

Яшил дунё гуркираб ётар,
Ҳар куртакнинг туздори ҳамал.
Ёрни кўккам лашкари тутар,
Замин узра баҳорий қамал!

Сокин кеча,
Япроқ узилса,
Тангадай жаранглаб тушди ерга.
Ойни елиб шабада тўса,
Гулларнинг қалаҳи эслади нурга.

Ёнинг жон томирида гуллаган қон,
Тоғлар сийнасида мударган вулқон,
Кўллар маликаси — оққун нафаси
Жаннат чечагидай очилар қирда.

Отларнинг ёлини ўрар парилар,
Қизларнинг қўйнига қирар парилар.
Дунё бир муниса Онадай ухлар,
Ширин уйқусини кўри парилар.

Эй, дунё!
Шунчалар сеҳрни қаердан олдинг,
Қайси муъжизадан, қай ширдан олдинг,
Қодир Аллоҳимдай шоирдан олдинг?

Дунё-ей!
Ўқиндим — дардларим мажнунтол бўлди,
Ўқиндим — чечаклар барги бол бўлди,
Ўқиндим — тераклар пурҳайл бўлди!

Ҳай, дунё!
Жўр бўлсам — қўбизга ўхшайди ҳар кас,
Тингласам — ҳофизга ўхшайди ҳар кас,
Ўртансам — оҳ урар менга басма-бас!

БУГУН ҲАММА БИЛАР

Ардоқлар ҳар битта фидойи жонни,
Боболардан мерос шуҳратни, шонни.
Келажаси буюк Ўзбекистонни
Бугун ҳамма билар, жаҳон билади.

Тонларга мензаяган ўй, хаёлини,
Ўзи яратажак истиқболни,
Байроғи, тугриси, истиқлолини
Бугун ҳамма билар, жаҳон билади.

Олислардан келган йўл босиб узок,
Ўз сўзин бировга бермаган муллоқ,
Эзгулик йўлини ёритган чироқ,
Бугун ҳамма билар, жаҳон билади.

Дилларга жо қилдик орзу, ниятни,
Қайтадан тикладик кўп қадриятни,
Муштақилик берган имкониятни
Бугун ҳамма билар, жаҳон билади.

Ривожин топгандир шарият, ислом,
Дилда ҳам забонда бермаган мутлоқ,
Мазаҳбини шарҳ этди Мотрудий бобом,
Бугун ҳамма билар, жаҳон билади.

Ҳар вақт фарқлай олган ёлғондан чинни,
Ҳеч қачон сотмаган эътиқод, динни,
Ватан деб қон кечган Жалолидинни
Бугун ҳамма билар, жаҳон билади.

Бошидан ўтказди кузу қишларни,
Шайнига мос келмас турфа ишларни,
Жасурилик тилмоли Аломишларни
Бугун ҳамма билар, жаҳон билади.

Муқаддас санаган зиёни, нурни,
Мангу сундирмаган қалбидан кўрни,
Жангаларда зўр, ғолиб Амир Темирни
Бугун ҳамма билар, жаҳон билади.

Булуғлар тўсолмас қўшимизни,
Синолар енгилмас бардошимизни,
Эли-юрт деб ёнган Юртбошимизни
Бугун ҳамма билар, жаҳон билади.

Баралла янграган мадҳиям, созим,
Тоғлардан акс садо бергай овозим,
Мухаббат дилимга солди ғалаён,
Висол деб ёнганим ўзимга аён,
Танамода жўш уриб гулургайди қон,
Сенга юрагимни очгим келади,
Бошингдан меҳримни сочгим келади.

Кундан-кун ошмоқда ҳурмат, эъзозим
Бугун ҳамма билар, жаҳон билади.

МЕҲР

Муқаддас маъвосан, буюксан Ватан,
Эътиқод, ор-номус, виждон ҳамда шаън,
Гардинг ҳам тўтиё кўзга, дафъатан,
Сенга юрагимни очгим келади,
Бошингдан меҳримни сочгим келади.

Олисга чорласа саяҳат, сафар,
Йўлларга тўшалса бойлик, сийму зар,
Қулиб қарши ола ютуқ ва зафар,
Сенга юрагимни очгим келади,
Бошингдан меҳримни сочгим келади.

СЕНГА ЮРАГИМНИ ОЧГИМ КЕЛАДИ

Мухаббат дилимга солди ғалаён,
Висол деб ёнганим ўзимга аён,
Танамода жўш уриб гулургайди қон,
Сенга юрагимни очгим келади,
Бошингдан меҳримни сочгим келади.

Гоҳида лол қолдим турфа ишлардан,
Юрагим муз қотди соғуқ қишлардан,
Заминга дарз кетгай силкинишлардан,
Сенга юрагимни очгим келади,
Бошингдан меҳримни сочгим келади.

Навога жўр этдим куй, соғларимни,
Кузларга алашдим гоҳ ёзларимни,
Қабул эт соғинчу дил розларимни,
Сенга юрагимни очгим келади,
Бошингдан меҳримни сочгим келади.

Орзулар кўксимда жўш урғай қат-қат,
Ўзингдан нур, зиё, муруват, шафқат,
Дариғ тутмагин ҳеч васлингил фақат,
Сенга юрагимни очгим келади,
Бошингдан меҳримни сочгим келади.



ИСМОИЛ ТУХТАМИШЕВ

Олам тўлисин дея зиёга,
Она, қўли очинг дуога.

Яратганинг ўзи қўластин,
Тўғри йўлга бизни йўластин,
Ватанимиз яшаб, гулластин,
Олам тўлисин дея зиёга,
Она, қўли очинг дуога.

Онажоним, дорулдир замон,
Сиз туйфайли кучилгайди шон,
Бахтимизга бўлингиз омон,
Жўр овоздан Сизнинг дуога:
Олам тўлисин дейман зиёга.

Устунман дер баъзи бир одам,
Нисбий эрур қувонч, ҳатто гам.
Бу оламни яратган Эгам,
Нодонларга ўзинг инсоф бер.

Завқ олади аҳдсизлигидан,
Қатъиятсиз, шаҳсизлигидан.
Кулгай биров бахтсизлигидан,
Ёмонларга ўзинг инсоф бер.

Ютуқ, зафар ҳар лаҳза боққан,
Ҳайларни кўк томон оққан.
Дилни фақат манфаат ёққан,
Инсонларга ўзинг инсоф бер.

Яхши камёб, топилмас садаф,
Кўп ҳар ишдан кўзаганлар наф.
Бўлиб турган тарафма-тараф
Томонларга ўзинг инсоф бер.

Йилларга тенг чўзилган қиши,
Биров билан бўлмаган иши.
Дунёларни тутмай хониши,
Бу жонларга ўзинг инсоф бер.

Муқаддасдир инсон учун шаън,
Ёмонларга бермасин кўп тан,
Туйдирамсин эрта ҳаётдан,
Дам, оналарга ўзинг инсоф бер.

Топилмаган дардин давоси,
Дилни ёқмас чалган навоси,
Бозорларга ошмас баҳоси,
Арзонларга ўзинг инсоф бер.

ОНА, ҚЎЛНИ ОЧИНГ ДУОГА

Дунё турсин осойишта, тинч,
Ҳар бир дилда балқисин секин,
Барҳақ бўлсин ҳаммаша илмж,
Олам тўлисин дея зиёга,
Она, қўли очинг дуога.

Тўлиб оқсин дарё, сойимиз,
Мула-қўл бўлсин дон, бугдойимиз,
Порлайверсин юлдуз, ойимиз,
Олам тўлисин дея зиёга,
Она, қўли очинг дуога.

Чоқ қазмасин одамга одам,
Баҳам кўрсин шодлигин ҳар дам,
Инсоф берсин ёмонларга ҳам,

МЕНИНГ

Менинг ҳар бир хужайрам севи,
Юрак — муҳаббатнинг лоласи!
Жон рингасин тарағ торт, ҳаёт,
У ишқ торин ипак толаси!

Ва чалавер, аямасдан чал,
Сендан тўйдим десам, ишонма!
Ёлгон, ичсам қасам, ишонма!
Куйлатавер ҳазини, шодон,
Семай қўйдим десам, ишонма!

Чал, чалавер, аямасдан чал,
Титраб-титраб тўқилсин борин!
Ҳатто жаннат, жаҳаннамда ҳам
Ўз кучида қолгай иқромин!

Менинг ҳар бир хужайрам севи...

ТАШҚАРИДА

Ташқарида увулар шамол,
Деразамга урар тўшини.



НАСИБА ДИЛСЎЗ

Сукунат — нақалар ёқмайдинган сўз,
Азоб, кўз ёш бўлиб тўқил сийнама!
Тукил, шубҳа. Шубҳа, ҳазон каби тўз,
Ишонч, бир нима деб, ишонч, қийнама!

САДОҚАТИМ

Мангуликдир садоқатим,
Ватанжоним, кучоғингга.

Сенинг ишқингда ишқингим,
Кўп юракка айтирим бор.
Ишқдан бунёду нборат
Қайтарим қайтарим бор,
Ватанжоним, кучоғингга!


Шундай оҳанраболигинг
Дунёларга айтирим бор.
Минглаб юракда акс этиб —
Дунё бўлиб қайтарим бор,
Ватанжоним, кучоғингга!

Дунёларга тенгсиз меҳрим,
Тупроқларга айтирим бор.
Тўлисин дегар кўксинг,
Тупроқ бўлиб қайтарим бор,
Ватанжоним, кучоғингга!

Тупроқларнинг севиғини
Майсаларга айтирим бор.
Энг покиза буй таратиб,
Майса бўлиб қайтарим бор,
Ватанжоним, кучоғингга!

Майсаларнинг муҳаббатин
Шамолларга айтирим бор.
Бор бўйингилни кучоқловчи
Шамол бўлиб қайтарим бор,
Ватанжоним, кучоғингга!

Мангуликдир садоқатим,
Ватанжоним, Ватанжоним!



ИБРОҲИМ ДОНИПШ

Оламанда қўш байрамдир
Ҳар йил Наврўз келган чоғ,
Дустлар дили хуш байрамдир,
Менинг эса қўнғим тоғ!

СИЗНИ СЕВИШ МУМКИНМИ?..



У даврага келди. Ўтирди.
Гўё лола келди чет қирдан.
Соқий майда-майда ичирди,
Эски муҳит ўзгарди бирдан.

Ўхшаши йўқ бундай кулгун
Ким чизибди унинг юзига,
Сочларидек қора қайғунинг
Андозаси борми кўзида,

Қошини ким парваришлаган,
Ким ўстирган кўкракларини,
Оқ кўллари қайда ишлаган
Лабидоғи безакларини

Ўргатганим бирор муаллим,
Олагимкан бирор бозордан.
Нигоҳида шора, минг им,
Асоратми бирор озордан,

Ҳар бармоғи бир боладек ишқ,
Елкалари бунча одобли,
Тиззасининг кўзида тин ишқ,
Қадамлари чақмоқли, тобли,

Балки силлиқ билакларини
Дарёларнинг тоши чархлаган,
Вужудининг бўлакларини
Харидорлар қиммат нархлаган,

Қўлларининг ҳаракатида
Сезилди на ғам, на ташовиш.
Ишқнинг савадо, харажати-да,
Оламанда арчи каби оддий иш.

“Сизни севиш мумкинми, хоним?
Сизни сира хафа қилмайман...”
Қирқ жойидан озғиди жоним,
Исми нима қизинг, билмайман.

Бунча чуқур кулгиларинг бор.
Бармоқларинг... ўзингилкими,
Шу қиш, шу куз, шу ёз, шу баҳор...
Бари-бари кўзингилкими?

Кимлар севи қилмаган ишқор,
Кечикдим мен бу машғулота.
Менга қара, иттимосим бор,
Жуда чуқур боқма ҳаётга.

САЛИМ АШУР



Менга оғир бўлиши мумкин
Тароғинга бахш этилган бахт.
Бунга нават кутади — соқин
Қанча-қанча ўрмону дарахт.

Секин шоиши, шошган асталик,
Нозик келиш, нафис кетиши, ор,
Хаста соғлиқ, соғлом хасталиқ,
Мен ва сендан бошқа кимда бор?

Кимда бордир девона юрак,
Сенда эрк бор, менда — ихтиёр.
Ошиқларинг... кўп бўлса керак,
Менинг сендан бошқа кимим бор?

Тушларимда кўрмадим нега,
Нега боғда дуч келмади ҳеч,
Оққанымда сувда безга,
Юрасимга тушганида кеч.

Қайда эди ахир у кеча,
Қайда эди ундан олдинроқ,
Тополмасдан ахир бир неча
Марта мен ҳам ушладим сиртмоқ,

Кесишмади йўлимиз нега,
Чирқамдим сира олдимдан,
Тақдиримнинг синиги — чега,
Кетдиммикан ё ундан идаман,

Нега уни ҳеч учратмадим,
Кеча-қундуз изганимда,
Учмасамми бир бор кўчмадан
Ҳазонлардек тўзганимда,

Хиёбоналар, бекат, соҳиллар,
Нега уни олиб қочдингиз?
Оқ соҳидан улағач йиллар
Кўзларимни охир очдингиз.

Кўзларимни очдим-у... мана...
Мана... қизми... хурми... ё хурлар...
Бир кўрай деб қайтмоқда яна
Кўзларимни тарк этган нурлар.

Қайда эди тасодиф бурун,
Бугун кимдан қасос олай ман?..
Сизни яхши кўрсин деб тун-кун
Кўзларимни тарбиялайман.

Ёғайтган ёмғирда — малол,
Шамолларда тўзди сўзларинг.
Тун пардаси зич тушган. Ҳаё
Сураётган сенинг кўзларинг.

Борган-келган ул-буларимиз
Бўлмас энди дўсту дугона.
Бир-бирига зор кўларимиз
Бир-бирига энди бегона.

Тупроқларга чўкди изимиз,
Исмизмизни унутди тонлар.
Бир-бирини кутган кўзимиз
Бир-бирининг йўлига томар.

Кипригинга ҳаловат инди,
Кўзларингдан ўпдими биров?
Кўлимизни иситмас энди
Кўнглимизни куйдирган олов.

Ёғайтган ёмғирда — малол,
Шамолларда тўзди сўзларинг.
Тун пардаси зич тушган. Ҳаё
Сураётган сенинг кўзларинг.

Шундай энгил, шундай тоза гул,
Келасиз сиз сув бети билан.
Маъзур тутинг, севанан бутқул
Юрагимнинг бир чети билан.

Аста-аста келади умид,
Аста-аста кетар тушқуналик.
Сизга — қарши, менга — бутқул зид
Умриликни ишқ ё беш кунлик?

Менмас... кутиб ташрифингизни
Куйиб борар қоғоз ва қалам.
Деразага икки кўзини
Мишлаб кўяр бечора одам...

Шундай энгил, шундай тоза гул,
Келасиз сиз сув бети билан.
Маъзур тутинг, севанан бутқул
Юрагимнинг бир чети билан.

Юрак — муҳаббатнинг лоласи

УЙҒОНА ҚОЛ

Зериктирди қишнинг суҳбати,
Зериктирди соғуқ, бир хил ранг.
Учқур, асов хаёлим оти,
Ушлаб турар соқинлик аранг —
Уйғона қол, чавадоз жаранг!

Жилволайди орзуларни дил,
Қачонгача чекаман озор?
Тоқатим тоқ: чорлайверар гул,
Яна қанча кутаман баҳор —
Уйғона қол, ухлаётган қор!

Бузсам дейман ширин тушингни,
Бўйларингни кўмсидим тупроқ!
Куртажоним, бўртган нишингни
Кўрғим келар баридан кўпроқ —
Уйғона қол, илдизда титроқ!

Кўзингни оч, паҳлавон осмон,
Юрагингни мудраган қўён.
Уйғоқ жонга тутмагин осон,
Қийналмоқда музлаган кўз ёш —
Уйғона қол, юраги отан!

Уйғона қол, меҳрибон осмон!

ДЕРАЗАМДАН МЎРАЛАЙДИ ОЙ

Сокин кеча, хаёла-ла бандман,
Совиб қолган пиёламда чой.
Нимадандир ноҳуш, қарахтман,
Деразамдан мўралайди ой.

Кўз олдидан ўтар бирма-бир
Балагим — гўё чопқир той.
Бўлгандайман бир сира асир,
Деразамдан мўралайди ой.

Йиллар ўтди алғов-далғован,
Ким урта ҳол, кимдир бўлди бой.
Менда ўша уй, ўша ҳовли...
Деразамдан мўралайди ой.

Истиқлолни шомдан эди,
Юртим очди янада чирой.
Ёмонларнинг йўли кесилди,
Деразамдан мўралайди ой.

Силкинади бир дарахт беҳол,
Кучоқлайди почор қушини.

Иссиққина хонамда туриб,
Соғқотди кўксимда раҳим —
Кўзим билан бораман юриб,
Етақлайди гулгула, тахмин...

Кўзим билан юраман аста,
Аёз ўтиб кетар жонимдан.
Юрак — қушга айланар хаста,
Уни илғаб қолган онимдан.

Ташқарида увулар шамол,
Силкинади бир дарахт беҳол...

СУКУНАТ

Сукунат — қанчалар ёқмайдинган сўз,
Ёқмайди туйғулар сукунатта чўмса!
Соғинч, тўқил. Соғинч, ҳазон каби тўз,
Майли, изғирини, ёмғирини қўмса!

Мавжудга ўхшайсан, борга ўхшайсан,
Шодлик, нега жимсан, гўё синган най?
Сукунат — ваҳима. Ваҳима — душман,
Рухдаги сайроқи қушлар тингайди.

“Ит хурмоқда, қарвон ўтмоқда”,
Қайларадир шовуллайди сой.
Чўл бағрида оқ тонг отмоқда,
Деразамдан мўралайди ой...

НАВБАҲОРНИНГ ЎҒЛИМАН

Наврўз кўни тугилганман,
Навбаҳорнинг ўғлиман.
Бахт нурига йўрилганман,
Шундан қалби чўзилган.

Юзларимни силаб шамол,
“Алла” айтган булбуллар.
Орам ол, деб тинч, бемалол
Ҳид сочган атирулар.

Тан-жонимга синиб кетган
Кўкларимнинг соғ ҳавоси,
Ёшигимдан мафтун этган
Қушларнинг ишқ навоси.

Бошлангич бичирич бетда. Бобурнинг баён услуби мазмунини бошқа тилларда тарғиб этиётки бор бўлиши талаб этади. Олайки, "Муҳтасар вилояттур, ошмаи ва меваси фаровон. Гирдогиди тоғ воқиф бўлдурур. Фарби тарафидаким, Самарқанд ва Хўжада бўлмай, тоғ йўқтур. Ушбу жонибин ўзга ҳеч жонибин киши ёйи кела олмас" жумалари куйидаги таржима қилинган: "Фергана — ноёбшайа область, хлеба и плодов там много. Вокруг Ферганы находятся горы; с западной окраины, где Самарканд и Ходженд, гор нет; зимой ни с какой стороны, кроме этой, враг не может пройти".

Таржимдаги икки бор қўлланган "Фергана" сўзи асл матнда йўқ, Умуман, Андижон таърифида Бобур "Фаргона" сўзини икки бор қўлланган бўлса, Салбей олти бор ишлатган. Бу адибга ҳақ бўлган сўзга харисалик, ифодадаги лўндалик фазилати ва футур етказган. Назаримизда, бундан қочини мумкин эди: "Область ноёбшайа, хлеба и плодов много. Вокруг находятся горы" тарзида берса бўлар эди-ку. Бизнингча, иккинчисининг охиридаги "кеда олмас" феълнинг "не может пройти" (ўта олмас) тарзида берилиши ўринли эмас. Бу эпитет сўзга сўз таржимасида мос келмаслик туфайлигина эмас. Биринчидан, "бундан бошқа ёқдан ўта олмас" маъносини қўллаш учун тоғ ёки ўрмон, сув каби табиий ёхуд бошқа хил тўсиқларни енгиб ўта олишни муамлир назарда тулган бўлиши керак эди. Бу ерда эса, Фергонанинг Самарқанд ва Хўжада томони текислик, қишлоқ ҳам ҳаракатланганга қўлайлигига ишора қилинган. Иккинчидан, Бобур қайси ҳудуд, вилоят ва шаҳар тўғрисида фикр юритса, уни четдан эмас, айна пайтда худди унинг ўраида, унинг ичида турган каби таърифлайди. Биргина мисол: Қандибодомни(хўзирги Қонибодом) тасвирлаб туриб, "Хамшиша бу даштга ел бордур. Марғионакким, шарқидур, хамшиша муңдин ел борур", дейди. Бобур "хамшиша у ердир" эмас, гўё Қонибодомда тургандек, "муңдин" (бу ердан) деб ёзади. Ҳолбуки, муаллиф бу сатрларни ёзаётганда ватандан анча узоқларда эди. Маълумки, киши бирор ердан турса, у ерга яқинлашганларга нисбатан "кемоқ" (кеди, келаяпти) феълини қўллайди. Шу боис зикр этилган парчада (уни қарда битан бўлса ҳам) гўё Фарғонада турган каби "ёйи кела олмас" дейди. Бу жойда "пройти" эмас, балки "подступиться" сўзини қўллаш дуруст бўларми? Шу нуқтага назардан таржима матнидаги "там" (у ердан) ортиқча, тўғривор, ноўрин қўлланган. Агар бундан равиш қўллаш зарур бўлса, "здесь" сўзи ўринли бўларди.

"...даны и винограда хороши; во время созревания дынь (из-за обилия) не в обычае продавать их с бахчи, груш лучше анджайских не бывает" сатрларини ўқиган одам ҳосил бўлишидан полиздан қовун сотишгадди деб тушунади. Асида Бобур "қовун маҳали полиз бошида қовун сотмоқ расм эми" дер экан, шу яқин йилларга дарах давом этиб келган удум — дехқонларнинг ҳосил чўчи қандай бўлишидан, кўп ё эз этиштирилишидан қатъи назар, қовунни худди бозордаги каби полизда донаиб сотишдан ор ва ирим қилинаётгани назарда тулган эди. Полиз бошида ё ушур берилган ёки худд йўлда эҳсон этилган ёхуд ўзбекона жўмардалик билан келган одам қовун сўйилди, мехмон қилинган, сийланган. Бизнингча, қавсдаги "из-за обилия" ўрнига шу саҳифага остига (яъни ҳаволада) ўзбек дехқонларининг маъмур танти удумини кенгрок, изоҳда бериш маъқул бўларди. Шунингдек, "Анджоннинг ношлотисидан яхширок ношоти бўлмас" таърифида "ношоти" ни (хўшода нашестви) "груш" деб эмас, балки нокинг Андижонда яхши бўлидиган тури эканлигини келиб чиқиб, уни атамга сифатига таржима қилиш

нинг фақат ози эмас, овози ҳам сатри атра қилинади. Қолверса, ҳақиқати бир эркак ўз хонадониди аёлларнинг гўзаллиги тўғрисида гапириб юрмаганидек, Бобур ҳам ўз юрти аёлларининг ҳусни жомалини "Бобурнома"дек жиддий асарда бозорга солмасди. Эркаклар чиройи ҳеч маҳал мақталадиган фазилат бўлмаган. Шунинг учун ҳеч бир асарда фалон жой эрлари чиройиди деган таърифга дуч келмаймиз. Хўш, унда муаллиф бу ибора билан нима демоқчи?

1960 йилги нашрда Порсо Шамсиев домла бу иборани "хусн хили бор" деб ўқитган экан. Унда, умуман, маъно чиқариш қийин бўлиб қолади. Мен араб ёзувида "хили", "хейли", "хайли" сўзларининг бир хил ёзилишидан келиб чиқиб, асида "хусн хили" эмаслигини деган фикрга бордим. Хўш "гўзаллик" маъносини беради, гўзаллик эса санъат сўзининг маъноси. Хайл "аҳд" маъносига келади. Шундан келиб чиқиб, "хусн хили"ни санъат аҳли деб қабул қилиш мумкин. Кейинги маъшуҳ мусиқашунос Хожа Юсуф ҳақидаги фикр ҳам

хўшлутидиган андак чошни бор". Хўжа ҳақидаги "меvasи фаровон ва бисёр яхши бўлур" каби жумалар қишлоқ ва овуллар тавсифи бўлса; "ови қуши дови кўп бўлур, қировули беҳад семиз бўлур", "оқ кийиб ёвуқта тошлур" каби тафсилотлар чангалзор, тўқайларга тегишли. Бобурнинг "Соҳибни "Хидоя" Марғионининг Рушдон отлик кентидиндур" деб ёзишдан Бурхониддин Марғионининг ота юрти Рушдон (хўзирги Риштон тумани) ҳам Марғион қасабасига тегишли бўлганлигини билдириши мумкин. Андижон қасабаси хўзирги Асака, Андижон туманларидан Балқичи, Пахтабод туманларига бўлган ерларни ўз ичига олган. Асосан Қорадарё ва қисман Норин дарёси атрофидаги бу ҳудудда ўша даврларда қўлба аҳоли пунктлари бўлиши билан бирга, овуқ тўқайлар, уларга ёндош ботқоқликлар талайгина жойларни эгаллаган. Каттагина бу икки дарё, улар таъсирида шаклланган ҳар эрҳар ердан жажжи сув ҳавзалари, ботқоқликлар туфайли қасабанинг аксарият қисми ҳавосида намгарчилик — уфунат юқори бўлган. "Қузлар эл безак кўп бўл" ишнинг сабаби ҳам шундан эканлиги маълум бўлади. Демак, "хавосининг уфунати бор" жумласи Андижон қасабасининг сасиқлиги, баббўйлигини эмас, балки сернам, рутубати борлигини аниқлатади десак, хато бўлмайди. Бунга яна бир далил шуки, муаллиф Хўжада табиати ҳақида ҳам шундай ёзади: "Хавоси бисёр мутаффиңдур, қузлар безак кўп бўлур. Андоқ ривоят қилдиларким, чўпчўк безак бўлгондур. Дерларким, хавосининг тааффуни шимолдан тоғ жиҳтидиндур". Парчадаги "мутаффиң", "тааффуң" сўзлари "уфунат" билан ўзқош ва матнда бир маънони ифода қилиш учун Салбей уларни ҳам "тилоос-тилоос" деб ўтирган. Яна ҳаводаги уфунат билан безакни қайд этмоқда. Бунга сабаб қилиб эса шимолдаги тоғ деб изоҳланмоқда. Маълумки, бирор жойнинг ҳавоси тоғ туфайли сасиқ, баббўй бўлмайди, балки унинг таъсирида намгарчилик юқори бўлиши мумкин.

Мақоламиз минбаъда таржима ҳақида танқидчи ўз олдига мақсад қилмаган. Фақат у баҳонасида "Бобурнома" ҳақи тўла ўзлаштирилмаган маънавий бойлик сифатида турганлигини янада ҳис этдик. Шу ўринда "Бобурнома"ни биринчи марта рус тилига ўтирган, бу билан халқимизнинг фаҳри бўлиши мазкур асарнинг дунёга тарғиб қилинишига катта ҳисса қўшган захматқаш таржимон, билимдон олим ва етуқ шарқшунос марҳум М.А.Салбейни миннатдорлик билан, унинг фидоқорона меҳнатини таҳсилдан билан ёдга оламиз. Айна пайтда таржимоннинг хайри бу ишнинг давом этириши, мукаммаллаштириши, янгилаш пайти келганлигини ҳам айтмоқчимиз. Бунинг учун, аввало, олимларимиздан асар устида фундаментал тадқиқотлар, текстологик изланишлар олиб бориши талаб этилади. Асардаги ҳар бир жумла, зарур ҳолларда, ҳар бир сўз устида жиддий мулоҳаза юритиб, бу улкан адабий обидани бор бўйи, мазмун-моҳияти билан идрок этишишимиз керак. Агар Андижондаги халқроқ Бобур жамғармасида сақланаётган "Бобурнома"нинг XV асрда қўйрилган мўътабар нуҳаси факсимилеси оммавий нашр қилинса, республикамиз адабиётшунослари ва матншунос олимлари учун катта туртки ва кўмак бўлур эди. Айна ўзимиздаги "Бобурнома"ни аниқлаш, тушуниш ва тушунтиришдаги ютуқлар асарнинг бошқа тилларга таржималаридан акс этиши зарур. Лекин ҳаммасидан олдин "Бобурнома" ва у каби ўзбек маънавий қомусига айланган асарларни халқимиз, хусусан, ёшлар орасида кең тарғиб қилмоғимиз, уларнинг оммавий мурола қилинишига эришмоғимиз керак, токи адиб таъбири билан айтаганда, "элитинг орасида хусни хайли бор" миллат сифатидаги эпитетимиз завол топмасин, балки ортсин, юксалсин.

Валижон ҚОДИРОВ, филология фанлари номзоди Андижон

ЯНГИ АСР АДАБИЁТ ШУНОСЛИГИ: ЎЗГАРИШЛАР, МУАММОЛАР

- 1. Мана XXI асрнинг ҳам 7 йили ўтди. Шу йиллар мобайнида ўзбек танқидчилари ва адабиётшунослари ҳам баҳоли қудрат асар билан машғул бўлдилар. Бинобарин, сезинганча, янги аср адабиёт илмида қандай ўзгаришлар юз берди?
2. Ўзбек танқидчилиги ва адабиётшунослиги олдига қандай муҳим вазифалар турибди, деб ўйлайсиз?

Сайгу УМИРОВ, адабиётшунос

1. Тақлиф учун раҳмат. Янги аср адабиёт илмида ўзгаришлар, назаримда, ўтган асрнинг саксонинчи йиллари иккинчи ярмидан, ошқоралик, турфа филрлар эпкинари эса бошланган кезлардан тахмин қилинган, қутилган ва тўқсонинчи йиллари, янги аср арафасида фарас, башоратлар кучайган эди. Хусусан, ўзликни англаш, тарихий қадриятларни қадрлаш, тилимиз истиқбол ҳақида қайғуриш борасида кўп гапирилди, ёзилиди, анча ишлар қилинди. Айниқса, Алишер Навоий ва Мирзо Бобур асарларини нашр этиш, жиддий ўрганиш, тадқиқ қилиш соҳасида арзигулик ишлар амалга оширилди. Мумтоз адабиётимизни ўрганишга ўзларини бус-бутун бағишлаган А.Ҳайитметов, А.Абдуғафуров, Б.Валихўжаев, Б.Қосимов, А.Қаюмов, С.Ғаниева, Н.Қомилов, И.Ҳаққулов, Ё.Исҳоқов, Н.Жабборов, Б.Ўтқорев каби фидойи олимларнинг кўбот, тадқиқотлари илмий, адабий жамоатчиликка яхши маълум.

лар ҳақида кўп гапирдик, ақлли, чиройли гаплар ёздик, энди асарни сиртидан кўра сирини, ботинини, қон томиларини теранроқ ўрганиш вақти келди. М.Шарафидинованинг Гогол ва Чўлпон, Фолкнер ва Ў.Ҳошимов асарларини, К.Божожонованинг Гёте ва Шарк шеърларини, С.Мелининг Пушкин шеърининг уч таржимасини қиёсий-тарихий йўсинда ўрганиш, матннинг ичига чуқур кириб боришлари бу йўлдаги дастлабки дадил қадамлардир. Янги аср адабиёти публицистикалик, публицистик руҳ билан йўғрилди, полемик ҳусусият касб этади, деб ўйлайман. Ахборот аламинини, глобаллашув, мафкуравий хуруж, техника тараққиёти адабиётга, шубҳасиз, ўз таъсирини ўтказди. Публицистик ўрганишга ўзларини бус-бутун бағишлаган А.Ҳайитметов, А.Абдуғафуров, Б.Валихўжаев, Б.Қосимов, А.Қаюмов, С.Ғаниева, Н.Қомилов, И.Ҳаққулов, Ё.Исҳоқов, Н.Жабборов, Б.Ўтқорев каби фидойи олимларнинг кўбот, тадқиқотлари илмий, адабий жамоатчиликка яхши маълум.

Замонавий адабиёт ҳақидаги илмий, китобларимиз чўчи нисбатан камроқ, ҳосили камтарроқ. Уч алп адиб — Ғ.Ғулом, Ойбек, А.Қаҳҳор юзйилликлар муносабати билан янги ва яхши тадқиқотлар юзага келди. О.Шарафидиновнинг "Ижодни англаш бахти", П.Қодировнинг "Тил ва эл", И.Ғафуровнинг "Ҳаё — хаосорқ", Қ.Йўдошевнинг "Ёниқ сўз", А.Расулорнинг "Бадийлик — безавол янгилик" китоблари, З.Исомидиновнинг тил, услуб муаммоларини дадил кўтарган ўтқир мақолалари янги аср адабиётшунослиги, тақдирчиларнинг сара намуналаридир, "Мустақиллик даври ўзбек адабиёти" тўплами чоп этилди, хайратки, анъана давом этилган бўлди.

Алкета жаовлари, фикр-мулоҳазаларни қузатиб бораётган. Истеъдодли мунаққид Қ.Йўдошевнинг "бадий яратки", айниқса, "адабиёттанув" атамаларини, бошқаларни билмадимиз, каминанинг ҳам қилиши қийин кечаяпти. Янги, тансиқ таом бошда сал эҳтиёт билан тановула этилгангадек гапир балки. Ҳар қалай, ўрганиб қолинган, синашта истилоҳлар турганда велосипедни янгидан иختиро қилишга ҳоҷат бормикан.

2. Гадаги муҳим вазифалардан бири асар матнига жиддийроқ эътибор бериши. Ғоёвийлик, концептуаллик, герменевтика, ижобий ва салбий қахрамон

руҳ деганда ялтироқ, шаддинок ибораларни, охири ундоз, сўроқ билан туталанадиган дабадалар, дағдаллар сўз даватларини эмас, аксинча асарнинг мазмундор, жозибадор, ўқилиши қийинга кўмак берадиган, бадийликни кучайтирадиган чинакам публицистикани назарда тутаялман.

Профессионал мунаққидлар, ёзувчилар, санъаткорлар адабий, жараён ҳақида фикр-мулоҳазаларини баён этишяпти; китоб, мақолалар ёзишяпти; эфир, экранда чиқибяпти. Лекин оддий китобхон, ўқувчиларнинг фикрлари кам берилаёттир. "Ўқувчилар адиблар ҳақида" деган тўплам қачонларидир чиқад деб умид қиламиз. Тарихда бунга мисоллар бор. Ўтган асрнинг йигирманчи йиллари Адриан Топоров деган фидойи ўқитувчи узоқ Олтой қишлоқларида бирда саккиз йил давомида етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган, саводсиз коммуна аҳлига адабий асарларни ўқиб бериб саводини чиқарган; ёзувчилар, асарлар ҳақида фикрларини сўраб, ёзиб борган. Антика мунаққидлар — "жуадур кийимли белинсқийлар" асарини энг аввало ҳаққонийлиги, самимийлигига қараб баҳолашган, ёзувчининг номига қараб ўтиришмаган. А.Неверорнинг "Толкент — нон шаҳри" асарини энг юқори баҳони олган, таниқли шоир Н.Тихоновни, ҳатто унинг коммунистларни удувола ёшган "Михлар ҳақида баллада" сини ҳам қабул қилишмаган. А.Топоровнинг "Дехқонлар ёзувчилар ҳақида" китоби М.Горкийнинг юқори баҳосига сазовор бўлган. Ушбу китоб олти-етти марта нашр этилган бўлса-да, топши амримаҳол...

"Шарқ юлағи" 2007, 6-сон Журналларни варақланда...

Арузий Самарқандий таърифлаганидек, "Шоирлик шундай санъатки, (шоир) бу санъат орқали кишиларни ҳаяжонга соладиган тушунчаларни

Одилонов қаламига мансуб шеърлар берилган. Отуалининг "Халқнинг ўлмас руҳи" бадиҳаси ўзбек халқ достони "Апомиши"нинг таҳлили, таърифи ва тавсифига бағишланган.

Дарҳақиқат, журналнинг шу сонда шеърнинг муҳлисларига ҳис-ҳаяжон, завқ ва сурур бахш этидиган туркум шеърлар эълон қилинган. Чунотчи, Олимжон Ходдорнинг янги назмлари, Азим Суонининг "Ватан кенгликлари" туркуми, навалон шоирларимиз Баҳром Рўзимухаммад, Вафо Файзулла, Иқром Искандарнинг шеърлари, умуман, ушбу сондаги назм намуналари нашр мундарижасига алоҳида салмоқ бағишланган.

"Адабиётшунослик" руқнида Сафо Матчоновнинг "Болалар адабиёти: санъатми ё тарбия?", Исом Ёқубовнинг "Миллат гулашони қўнган андалиб" ва Исҳоқ Жабборовнинг "Бир гаваҳ бор жонингизда" сарлавҳали мақолалари билан танишасиз.

Маҳкам Маҳдумовнинг "Ҳомер олами" мақоласида шеърлари, умуман, ушбу сондаги назм намуналари нашр мундарижасига алоҳида салмоқ бағишланган. Ёзувчи Муҳаммад Саломнинг янги "Наҳот" романи, Жўра Фозилнинг бир ҳикояси наср ихсосандарга эътиборга тақдим этилган. "Унутмас мени боғим" руқнида бу гал шоир Ориф

"Инада" ва "Одиссея" каби ўлмас достонлар, турли давр мутафаккирларининг бу асарлар ҳақида айтган фикрлари, умуман, Хомер асарларининг шўррати, ҳаётбахш юварли тўғрисида мулоҳаза юритилди. Абдураззоқ Обруйнинг ҳажвийси қувисевер ўқувчиларга хуш кайфият бағишлайди.

ҲИҚМАТ ОЛАМИГА САЁҲАТ

руқнинг кезиксинди, ҳиқмат оламининг сир-синоатлари ва яна бир қанча жиҳатлари, масалан, сўфийлик фалсафаси, ҳаракати (гимнастикаси — шундай ёзилган), хореографияси, зикр тизими, мусиқаси, шеърляти ва таоботи... ҳақида. Қизиқиш билан ўқий бошладим. Дастлаб сўхбатдошлар шўх Машраб ҳақида фикр юритадиган. Қоми Аванинг газетамизда эълон қилинган "Машраб макорам" сарлавҳали мақоласи тилга олинди. "Машрабман" назмининг узоқ йиллар давомида расий нашрларда тушириб қолдирилган

куйидаги байтлари келтирилади: **Ҳама айтур мақоми ҳайрат узра Машраби гумроқ, Мақоми ломакон сайр этувчи оовора Машрабман.**

Ширин Офюк хожам май беришлар, йкбора маст ўлоум, Агар дор узра чиксам, Мансури тайёра Машрабман.

Ушандор раҳбарим бор, боқтлар корим тамом ўлди, Жаҳонни бир нафасда кезувчи сайёра Машрабман. Шундан кейин "Жаҳонни бир нафасда кезувчи сайёра" бўлмоқ учун тасаввуфда илми қайб қудрати ила Оллоҳ назарига мушарраф бўлганлар тилга олинди, адабиёт

03-03 ЎРГАНИБ...



Халқимизда: "03-03 ўрганиб, доно бўлур". "Бизмаганин сўраб ўрганган — олим, оранби сўрамаган — ўзинга золим", деган ҳикматлар бор. Истеъдоди, илми, ҳаёт таърибиси бениҳоя юксак ва чуқур қишда ҳам баъзан саволар турғиб қолади. Зотан, тарих қатларида ҳали-ҳануз очилмаган не-не сир-синоатлар бор. Дунёвий ва диний илмларни эгаллаш ва идрок этишга келсак, тегишли манабу ва тақдирларда маълум тафовутлар ҳам мавжудки, чин ҳақиқатни аниқлаш учун ишончли ҳужжатларга мурожаат қилишга тўғри келади. Шу маънода, Ўзбекистон мусулмонлари диний идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимовнинг "Сўраган эдингиз..." деб номланган савол-жавоб китоблари катта таърифи-тарбиявий аҳади-ятга эа бўлмоқда.

хамроҳга, мусофирга ёки бошқа бир динга эътиқод қилувчи кишиларга муносабати қандай бўлиши керак? Қўшининг қўшида, қариндошнинг қариндошида, ота-онанинг фарзандида, фарзанднинг ота-онада қандай ҳақи бор? Нима учун садақа қилинади, ундан садақа қилувчига қандай наф етаради? Қабристонга бориш, қабрларни зиёрат қилиш амаллари қандай? Туркум китобчаларда мана шундай ўринли, ҳар бир киши, алаббат, билиб олиши зарур бўлган саволларга қисқа ва ишончли жавоблар берилган. Чунотчи, ўзаро қўшинчилик муносабатларига доир шарҳларда куйидагилар келтирилади: "Қўшни уч хил бўлади — учта ҳақи бор қўшни, иккита ҳақи бор қўшни, битта ҳақи бор қўшни. Учта ҳақи бўлган қўшни — қариндош ва мусулмон қўшни бўлиб, унинг қариндошлиги бир ҳақ, мусулмонлиги иккинчи ҳақ ва қўшнилиги учинчи ҳақ. Қариндош бўлмаган мусулмон қўшининг иккита ҳақи бор — мусулмонлиги бир ҳақ, қўшнилиги иккинчи ҳақ. Мусулмон бўлмаган қўшида эса фақат битта — қўшинчилик ҳақи бор"

Китобингизни ўқидим

Китоб — инсоний тарихдаги буюқ кашфиётлардан бири эканлиги бор гап. Бу улуғ кашфиётсиз ҳаётимиз мазмунсиз кун ўтказишга айланган, адолат йўли чапиралашган, ҳаққа, қомиллик интиганимиз заифлашган бўлур эди. Ўзимизни жамияти фазилатлар учун китоблардан мамнуним, деган гап, кимга тегишли бўлишилар, масжиддаги тақбир овозини эшитган кишилар — қўшинлардир". Имом Бухорий ривояти: "Эшиги энг яқин бўлган қўшни яқинлиқ қилиш учун энг лоийқ қўшидир". Ҳазрат Али (к.в.): "Уйдан овози эшитилиб турадиган даражадаги киши — қўшни". Бутун айрим сохта тадбиркорлар орасида эҳтиёткорлик, яъни, одамларнинг қундалик эҳтиёжи учун зарур бўлган нарсааларни кўп миқдорда сотиб олиб, бир жойга тўплаб қўйиб, сунъий тақдирини юзага келтириш ва, кейинчалик, уларни қиймат баҳода сотиб, мўмай даромад куриш урф бўлиб бормоқда. Динимизда бу нарсага қандай муносабат бидирилади? Ҳасад гуноҳни, масжидларни, қабрларни ҳаддан ташқари безатиш, ортиқча зийнатлаш-чи? Ушбу китобларни муролаа қилиш ўқувчининг дунёвий ва диний билимларини янада бойити, ҳалолни ҳаромдан фарқлашга, имонини заифлаштирмасликка даъват этади, билиб-билимай қилаётган хатоларига барҳам бери, баъзи илгизи тасавууларинизга аниқлик киритади.

Китоб — инсоний тарихдаги буюқ кашфиётлардан бири эканлиги бор гап. Бу улуғ кашфиётсиз ҳаётимиз мазмунсиз кун ўтказишга айланган, адолат йўли чапиралашган, ҳаққа, қомиллик интиганимиз заифлашган бўлур эди. Ўзимизни жамияти фазилатлар учун китоблардан мамнуним, деган гап, кимга тегишли бўлишилар, масжиддаги тақбир овозини эшитган кишилар — қўшинлардир". Имом Бухорий ривояти: "Эшиги энг яқин бўлган қўшни яқинлиқ қилиш учун энг лоийқ қўшидир". Ҳазрат Али (к.в.): "Уйдан овози эшитилиб турадиган даражадаги киши — қўшни". Бутун айрим сохта тадбиркорлар орасида эҳтиёткорлик, яъни, одамларнинг қундалик эҳтиёжи учун зарур бўлган нарсааларни кўп миқдорда сотиб олиб, бир жойга тўплаб қўйиб, сунъий тақдирини юзага келтириш ва, кейинчалик, уларни қиймат баҳода сотиб, мўмай даромад куриш урф бўлиб бормоқда. Динимизда бу нарсага қандай муносабат бидирилади? Ҳасад гуноҳни, масжидларни, қабрларни ҳаддан ташқари безатиш, ортиқча зийнатлаш-чи? Ушбу китобларни муролаа қилиш ўқувчининг дунёвий ва диний билимларини янада бойити, ҳалолни ҳаромдан фарқлашга, имонини заифлаштирмасликка даъват этади, билиб-билимай қилаётган хатоларига барҳам бери, баъзи илгизи тасавууларинизга аниқлик киритади.



ШАРҚНИНГ АЗАЛИЙ БАЙРАМИ

НАВРЎЗ — 2008

Шарқ элининг азалий байрами бўлган Наврўз асрлар давомида халқнинг турмуш тарзига сингиб, сайқал топиб, тақдорларига қадриятга айланган бораётган. У инсон орзу-ўйлари, ният ва мақсадларини ўзида акс эттирган эзгулик тантанасидур.

Байрам қиёфасига шу Ватанга исти-

қомат қилаётган барча миллат ва элатларнинг энг сара анъаналари, улар ўрта-сидаги инсоний муносабатлар ўз аксини топиши бежиз эмас. Шунинг учун ҳам Наврўз умумхалқ байрамидур. Зеро, осмон мусаффо, замин ҳосилдор, суви ширин, инсонлари барикатини шундай гўзал юртга байрамлар ярашади...

Шахрисабздек қадим ва ҳамisha навқирон шаҳарга келган ҳар бир меҳмон ёки сайёҳ ислом дунёсининг машҳур уламоларидан шайх Шамсиддин Кулол мақбарасини албатта зиёрат қилиб кетади. Мазмунки, шайх Шамсиддин Кулол ўз даврининг илмий-фалсафий-дуний таълимоти бўлиши "Нақибандия" тариқатининг вақили ва қомил давомчиси ҳисобланган. Бу тариқатнинг асосини эса "Дил баёру даст бакор", яъни "Дилнинг Оллоҳга, қўлининг меҳнатга бўлиши" ақидаси ташкил этади. Балки шу туйғули шайх Шамсиддин Кулол ҳам замонасида энг эзгу касблардан саналмиш кулолчилик билан шуғулланган бўлса ажабмас.

Яна бир ривоятда айтилишича, Ҳазрати Шамсиддин Кулол ўзлари ясаган буюмларни бозорга олиб чиқиб сотмаганлар, уларнинг кўчага қараган томонидан дарча очиб, пилёла, товоқ, қосаларни териб қўйган эканлар. Кўчадан ўтган йўловчилар ўзларига керакли буюмларни олиб, эп кўрган пулини тоқчага қўйиб кеттаверарканлар.

Буллар шундан далолат берадики, Марказий Осиёнинг энг қадимги шаҳарларидан бири бўлган Кешининг аксарият одамлари хунармандчилик билан шуғулланганлар.

Таассуфки, XX асрнинг саксонинчи йилларига келиб Шахрисабзда кулолчилик мактаби ривожланишдан тўхтади. Шўро замони сиёсатига кўра бир қанча хунармандчилик турлари тазийқа учради, қайси бир хунар турлари эса эътибордан четда қолди. Шахрисабз кулолчилик мактабининг сўнгги авлодлари Карим кулол Ҳазратқулов, Ҳотам кулол Қодиров, Раҳим кулол Бобоназаров, Раҳмат кулол Эшмуҳамедов, Абдусаттор кўзагар, Файзулло қосагар, Мухсин кўзагар, Турдали кулол Рустамов кексайиб, бирин-кетин оламдан ўтдилар. Уларнинг ишини давом эттирадиган шогирдлар тайёрлаш ишига ҳеч ким эътибор бермади. Шахрисабз кулолчилик мактабининг сўнгги вақили Аҳад кулол Музаффаров вафотидан сўнг бу мактаб ўз фаолиятини тўхтади.

Муствақиллик туйғули миллий қадриятларимиз қайта тикланди, қадимий хунармандчиликнинг ривожлантиришга эътибор кўчилади. Президентимизнинг "Халқбадий хунармандчилик ва амалий санъатини янада ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармон

Хунардан унарсанг хомчи қандай бўёқни камроқ берсанг, ялтироқлиги йўқолади.

КУЛОЛЛАР СУЛОЛАСИ

нинг эълон қилиниши, таъбир жоиз бўлса, Шахрисабз бадий



кулолчиликнинг қайта туйғулишига сабаб бўлди.

Шахрисабз кулолчилик мактабининг сўнгги вақили Аҳад Музаффаров хонадонидан машҳур кулолнинг уй-музейи ташкил этилди. Ҳозирги кунда ушбу музейни чет элдан келган қанчадан-қанча сайёҳлар қўриб, кулолчилик санъатимизга юксак баҳо бериб кетишмоқда.

Музейда бўлсангиз, кулол Аҳад Музаффаровнинг қўлларида жило тошган, ҳақиқий санъат даражасида ясалган сопол идишларни қўриб, чексиз завқ оласиз. У кишининг номига нуфузли халқаро кўргазмалардан бериламанлар фўриқлар, дипломлар, дунёнинг турли ташкилотларидан келган телеграммалар билан танишганингизда қалб-бингиз ғурурга тўлади.

— Отамнинг бир ўтиги ҳеч эсимдан чиқмайди, — деб эслайди Аҳад кулолнинг ўғли Зайниддин Музаффаров. — Кулолчилик жуда пок ва ҳалол касб. Бунда қаллоблик кетмайди. Бошқа касблардан ниманидир иқтисод қилиб, уриб қолиш мумкин. Кулолчилик эса ғирромликни ёқтирмайди. Лойини камроқ қилсанг, идиш юпқа чиқади, яхшилаб пишитмасанг, яъни меҳнатини аясанг, идишнинг ёрилади. Олов метёрида бўлмасанг, идишнинг ёрилади. Олов метёрида бўлмасанг, идишнинг ёрилади. Олов метёрида бўлмасанг, идишнинг ёрилади.



Шахрисабз мактабининг бошқа кулолчилик мактабларидан фарқи шундаки, уларда идиш икки марта: бир марта лой ҳолатида, иккинчи марта ранг берилиб, сирланиб пиширилган. Бизда эса лойдан идиш ясашиб, бир мартидангизда ҳам ранглиниб, ҳам сирланган. Ана шу билан ҳам Шахрисабз кулоллари жуда машҳур бўлишган.

— Мен кулолларнинг еттиги авлодидан — дейди кенжа авлод вақили Рустамжон. — Энг катта бобом Эгамберди кулол XVIII асрнинг охирида яшаб ўтганлар, ўғиллари Рустам кулол, набиралари Ҳазратқул кулол, эваралари Музаффар кулол уларнинг ишини давом эттиришган. Менинг бобом Аҳад кулол Музаффаров 1926 — 1987, амакилари Турдали кулол 1927 — 1962 йилларда яшаб ўтганлар. Охири авлод отам Зайниддин ва мен бўламиз.

Бугунги кунда кулол Рустам Музаффаров Шахрисабздаги Қашқадарё тасвирий ва амалий санъат лицейида кулолчилик ус-тахонасини ташкил қилиб, ўқувчиларга хунари сирларини ўргатишни бошлади. У ўзи ясаган кулолчилик асарлари билан мамлакатимизда ўтказилаётган кўргазма ва кўрик-танловларда иштирок этиб келяпти. Яқинда у "Ташаббус — 2008" кўрик-танловининг туман босқичида иштирок этиб, махсус диплом билан тақдирланди.

Унутилиш даражасига келиб қолган Шахрисабз кулолчилик мактаби янги тараққиёт палласига кирди. Муствақиллик Шахрисабз кулолчиликнинг янги ҳаётини бошлаб берди. "Оқдан даре яна оқди" нақди бежиз айтилмаганда.

Муҳиддин ОСТОНОВ, Қашқадарё тасвирий ва амалий санъат лицейи директори

Бугун Консерваторияда профессор Феруза Абдураҳимова раҳбарлигидаги Талабалар халқ чолу асбоблари катта оркестрининг концерти бўлади. "Қизилқоғон ва дастурда хитойлик ёшлар ҳам қатнашади", — дейди Ф.Абдураҳимова катта концерт олдиги сўнгги репетицияни олиб боради. — Бу мамлакатдан келиб бизда ўқиган Ойшанна Ҳолик, Ойшагул Муҳаммад, Абдукарим Усмон, Нишуфур Олим кабилар ҳозир Урумчидаги Санъат институтининг етакчи мутахассислари эканлигини кўрсатишга ҳуррага тўла.

ДЎСТЛИК КЎПРИКЛАРИ

Бугун ҳам қўллаб-қўллаб истеъдодли ёшлар педагогларимиз қўлига таълим олмақдалар. "Дўстлик кўприкларини" номли дастуримизда улар ҳам қатнашади.

Оркестр дирижёрлиги кафедраси мудири Ф.Абдураҳимовага унинг собиқ ўқувчилари — педагоглар Дилмурод Муратов ва Шерзод Умаров ёрдам беришди.

— Дилмурод назаримда, талабаларни йўналтириш, уларга дирижёрлик қилишдан кўра, "Сўғдиёна" оркестрида соз чалиш осонроқ бўлса керак?

— Тўғри, талабалар билан ишлаш осон эмас. Лекин меҳнатнинг самарасини кўриш мароқли. Бундай концерт дастурлари фақат талабаларнинг эмас, педагогларнинг ҳам нозик, кучсиз томонларини намоён этади. Талабалар учун бу ўзини хос профессионал амакидир.

Дилмуроднинг қўлидаги таёқча ишга тушиши билан Ж.Вардани куйи янтради, унга Ойгул Ҳулом жўр бўлди. "Ўз тенгдошларинг оркестрида, педагогларнинг дирижёрлигида ишлаш ҳамisha ҳаяжонли, — дейди Ойгул. — Ўзбекистон Консерваториясида ўқитганимдан жуда мамнунман. Академик ижрочилик сирларини

Хар йили мунтазам ўтказиб келинган Наврўз тантаналарини Алишер Навоий номидаги Миллий байрам нишонлаш учун тайёрларлик жараёнлари айни дамда авж паллада. Бу йилги Наврўз айёмида ҳам халқимизга байрамона кайфият, кўтаринки руҳ улаштириш мақсадида кўплаб ижодкорлар фаолият юритяптилар. Байрам дастурини ранг-баранг қилиш учун вилоятлардан профессионал ва ҳаваскор гуруҳлар, Қорақалпоғистон республикасида "Айқулаш жудузлари" ансамбли, халқ севган санъаткорлар, жумладан, Ўзбекистон халқ артисти Ҳуломжон Ёқубов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артисти Озодбек Назарбеков, Гулсанам Мамазоитова, Райхон, "Сурхон" гуруҳи ҳамда эстрада хонандалари Алишер Файз, Сардор Раҳимжон, Ёдгор Мирзажонов ва бошқалар жалб этилганлар.

Тадбир Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Бахтиёр Сайфуллаев бадий раҳбарлигида ва Ўзбекистон халқ артисти Рустам Ҳамидовнинг бош режиссёрлигида тайёрланмоқда.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги методика ва ахборот марказининг маълум қилишича, мамлакатимиз вилоятларида ҳам байрамни кўтаринки руҳда ўтказиш учун жиддий ҳозирлик қилинмоқда. Жумладан, Бухоро шаҳридаги Ибн Сино номидаги маданият саройида санъат усталари концерти ҳамда шаҳар амфитеатрида байрам сайли ўтказиш кўзда тутиляпти. Наманганликлар ўз юртдошларини "Ҳамиша гўзал ва навқирон Наврўз!" деб номланган театр-лашган байрам томошалари билан кўталайдилар.

Қарши шаҳар "Амфитеатри"да Ўзбекистон санъат арбоби Исоқ Тўраев бошчилигида тайёрларлик ишлари олиб бориляпти. Гулистонда шоир Анвар Тоғаев сценарийси асосидаги "Гул — Наврўз сайлига марҳаб даўстлар" бадий композициясида вилоятнинг барча ансамбллари иштирок этади.

Навоий шаҳрининг марказида ўтказиладиган асосий тадбирда "Нуржаҳон" фольклор-этнографик халқ жамоаси, "Кармана юдзулари" жамоаси, "Навбахор тароналари" ашула ва ракс ансамбли ва "Зарафшон" халқ ансамбллари иштирок этадилар.

Жиззаҳликларнинг байрам тантаналари "Муствақиллик майдони", "Истиклол" ёшлар форуми мажмуаси ва "Истиклол" болалар истироҳат боғида кенг нишонланади.

Фарғона шаҳрининг асосий кўчаларида Наврўз байрамини бағишланган умуммиллий югуртиш марафони ўтказилиши режалаштирилган.

Айтиб ўтиш жоизки, бу йилги баҳор айёмини ҳар ҳар томонлама юксак даражада, ушқоқлик ва кўтаринки руҳда ўтказиш учун қулай шарт-шароитлар яратилган.

Зеро, Наврўз руҳи ва фалсафаси Инсон ҳаётининг табиати билан уйғун эканлигини таъкидлайди.

Шаҳноза НУРМАТОВА



Қўлда қалам, дилда шижоат

Ҳар бир санъатшуноснинг қиёфаси икки муҳим фазилат билан беғалланади. Биринчиси, олимнинг билими ва илмий тафаккури уфқлари билан ўлчанса, иккинчиси бу билимлардан қанчалик самарали фойдаланётганига боғлиқ. Бундан ташқари, чинакам олимнинг назаримизда, яна бир хислат бўлиши лозим. Бу хислат унинг энг мураккаб, машаққатли ва долзарб илмий муаммоларга муносабатида зоҳир бўлади. Таниқли киношунос, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, санъатшунослик фанлари доктори Жўра Тешабоев шундай қамеб фазилатларга эга бўлган олимдир.

Андижон шаҳрида туғилган Жўра Тешабоев мактаб таҳсилдан сўнг Киев давлат университетининг хорижий филология факультетида таълим олган. Бу йил ун ўзбек кино санъатининг катта даргоҳига олиб келди. Институтни тамомлағач, ёш мутахассис "Ўзбекфилм" студиясида муҳаррир сифатида иш бошлади. Номзодлик ва докторлик ишларини Россиянинг нуфузли илм даргоҳларида ҳимоя қилди. Шу кунга қадар олим ўнлаб йирик монография тадқиқотлар, 600 дан ортиқ илмий-танқидий мақолалар эълон қилди, кўплаб ҳужжатли филмлар учун сценарийлар яратди.

Жўра Тешабоевнинг илмий фаолиятига назар ташланса, ҳар бир тадқиқотида ўзбек кино санъат-


тига катта ҳурмат ва эътиқод билан муносабатда бўлганини кўрасиз. Улар орасида "Йўллар ва из-ланишлар", "Комил Ерматов", "Кинематографияда миллийлик ва интернационалик тамойиллари" каби асарлари алоҳида диққатни тортади.

Устоз олимнинг илмий салоҳияти 20 йил давомида Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти "Кино ва телевидение" бўлими раҳбари сифатида олиб бораётган фаолиятида, айниқса, ёрқин из қолдириб келмоқда. Шу йиллар давомида бўлим ходимлари Ж.Тешабоев раҳбарлигида ўзбек кинოსининг тарихи ва назариясига оид қатор фундаментал тадқиқотлар яратди.

Миллий кино санъатимизнинг толмас тарбияotchиси, изланувчан олим, гамхўр мураббий сифатида нафақат республика киножамоатчилиги, балки кўшн давлатлардаги ҳамкасблари орасида ҳам катта обрў-эътиборга мушарраф бўлган Жўра Тешабоев киношунослик соҳаси бўйича Марказий Осиё ва Қозғистонда ягона фан докторидир.

Камтарин ва олижаноб инсон, катта қалб эгаси, танқидчи олимнинг табаррук ёши билан муборакбод этиб, илмий-ижодий ишларида янги муваффақиятлар тилаймиз.

Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти Кино ва ТВ бўлими жамоаси



КОМИЛЛИК ЙЎЛИ ИЗТИРОБЛАРИ

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Владимир Бурмакин шу кунларда янги йўналишда янги маҳсулани томошабинларга тақдим этиди. "Композитор мўъжизалари" номи мазкур кўргазмада рассом анъанавий тасвир ва компютер имкониятларидан фойдаланиб, оддий, кўз илағамас ҳаётий ҳолатларнинг нозик хусусиятларини ифодалайди. Картиналарда фон жуда ёрқин. Образлар ва уларнинг уй-фирқалари чексиз кенгликлар қатъия сингандай, олимдан ўзини намоён қилаётгандай бўлади. Шу боис бир қарашда асар қаҳрамонини кўра олмайсиз. Гарчад "Жозибали раишлар қуршовида" роля ва мақсад шундоқки кўриниб турса-да, алақандай яширин нигоҳлар сизни анчагада уйлантириб қўяди.

Асарларнинг кўпчилиги фото хусусиятларига эга бўлганлиги сабабли, уларда раишлар табиий, ҳолат ҳам айни ҳаётий. Масалан, "Мафтункор нигоҳ", "Илоҳийлик ва илоҳ", "Тунги бар маалиқаси", "Давомийлик" картиналарида реалистик руҳ сезилиб туради. Уларда инсон шахсияти билан боғлиқ турфа хислатлар, гўзалликлар ва одамлар йўл қўйган хатоларининг маълум жиҳатлари акс этгандай бўлади. Реализм йўналишидаги асарлардан яна бири "Давомийлик" фото-портретидир. Қўлда гўдак кўтарган ёш жувон қиёфасида ширин бахтдан энтикиш сезилади. Аммо бу аёни фақат шодон ҳаёт оғушида сархуш турибди деб бўлмайди. Унинг елкасида тоғдай масъулият юки бор. Жажж-жи фарзанди ҳаёт давомчиси сифатида вояга етиши, оиласи босган изларидан у ҳам одимлаши керак. Кенг маънода у инсоният авлодини давом эттиради. Ана шу мураккаб вужудда бутун олам ташвиши, қолаверса, келажак орзу-умидлари ётибди, ва асарда бу ҳолат сезилиб туради.

Яна бир туркум асарлар романтик хусусиятга эга. Уларда

ранглар жазавали, этни жунбушган келтиради. "Севги ибодатхонаси", "Орзулар оғушида", "Тўлини ой ёруғида", "Севги истаклари" асарларида орзу, буюк истак, унга эришиш йўлидаги инсон босиб ўтқадиган машаққатли йўл гавдаланади. Ушбу тасвирлардаги қаҳрамонлар тилаги — олий муҳаббат. Улар дахшатли азобларга, хижроннинг ўтми қийноқларига бардош беришлари мумкин. Қизик, фоний дунёнинг туйғуларини ўтқиччи. Ё уларнинг истаги илоҳий муҳаббатмикан? Ҳар нима бўлганда ҳам қаҳрамонлар, олим бўлса-да, эзгу ва буюк йўлда. Шунинг ўзи инсоният учун катта ибрат.

Рассом одамзот ҳаётининг сокин, бир маромада боришини тасаввур қила омайди. У инсониятга курашлар йўли, тафаккур ва идрок борасидаги жангу жадаллар хос деб билади. Айна шу хулоса унинг "Шафқатда", "Тўшқуналик", "Қарши турмоқ", "Фикр-туйғулар", "Ўзгармоқ" картиналарида ўз аксини топади. Инсон ўзгаради, унинг фикр-туйғулари аламашади. Тасвирларда бу кураш тўзтовсиз давом этади. Фолибин топиш эса томошабинга қолдирилади.

"Олтин ёшлик", "Қуёш ботиб, ой чиқди", "Қапалақнинг парво-

зи" каби асарларда бироз сокинлик, уйчанлик, мулоҳазага чорловчи руҳият бор. Ёшлиқнинг олтин даврида ҳамма нарса тилларанг, чиройли, мафтункор. Олтин ёшлиқнинг чинакам акси аёла тасвирларида кўринади. Ёшлиқ даврининг бор нафосати унда муҳаббат.

Картиналар рўпарасидаги ҳар бир томошабин бир зумга ўша қаҳрамон ўрнида пайдо бўлади ва унда ўз турмушини кузатади. Рассом яратган образнинг образ билан оддий томошабин ўртасида ана шундай умумийлик бор. Унинг асарлари инсон руҳиятига яқин, унинг гамларига шерик, дардига ҳамдошдир.

Кўргазмадан ўрин олган асарларнинг қиммати шундаки, уларда қаҳрамон инсон масаласи, бу йўлдаги машаққат, қийинчиликлар ва мавжуд етуқликнинг бел-қис қучи ифодаланган. Картиналарнинг ҳар бирида турлича қараш, ўзини хос ёндашув бор. Аммо уларда образ битта, мусаввир мақсади, унинг айтмоқчи бўлгани умумий: баркамол инсон, унинг илоҳий ва ҳаётий гўзаллигига тан бериш, қомилликка интилишнинг хайри маҳсули.

Мадҳия АВАЗОВА, Санъат институти талабаси



ҲАМИША НАВҚИРОН ОҲАНГЛАР



нади. Кино ва театр санъати учун ёган мусикалари ҳам оммалашиб кетган, кўплари эстрада концертларида янграб туради.

Педагог сифатида катта композиторлар авлодини тарбиялаб етиштирган А.Хачатурян рус композитори Н.Масковскийнинг шогирди бўлган. Тошкентга келган композитор Алишер Навоий номидаги опера ва балет театри сахнасида "Спартак" балетини қўйишда ёрдам берди. Юртимиз мусиқа ҳаёти ютуқларига катта эътибор билан қаради ва Ўзбекистон мусиқа санъатининг келажига ишонди. Халқ ижодини чуқур билган композитор ёшларда миллий маданиятга ҳурмат туйғуларини тарбиялаш ишига жиддий эътибор билан қаради.

Ф.ГУМАРОВА

Ф.ФАХРУДИНОВА



Олтириққа оддий гапням шеърга айлангандир...

Раҳматил Раҳмон карнай эшикдараза устаси бўлган бир оғайнисини менга шундай таништиради...

Анвар ОБИДЖОН

Эшбек ака эса, "оддий дурадор" - лигидан қониқмай яшаётгандек, хомуш боқиб, деганди...

ОЛТИРИҚ ҲАНГОМАЛАРИ

таси чиқиб, ёнимиздан ўтиб кетди. Қани, тушиб ялдиракни қидиринглар", дебди.

Ҳокимназар Анварвой деган соддагина ўртоғини шерик қилди, бир юмуш юзасидан уюқда учибди. Стюардесса уларнинг олдига биттадан ста...

Улардан олдиндаги қаторда ўтирган бир аёл бу гапларни эшитиб турган экан, орта бўйлини боқиб, Анварвойнинг "шарбат ясаши"ни пича томоша қилди...

Кўчада Ҳокимназар билан гаплашиб турсак, бир қишлоқдошимиз келиб, бир ҳафта кейин бўладиган тўйга қатнашганини билганим учун: "Менку келарман, лекин сиз олдига бўласиз, шароитга қаранг", дедим...

— Нима фарқи бор! Олтириқ сизга, менга тўрт соатли йўлда...

Азизбек Самара шаҳридан қайтаё...

тиб, "дорилик" учун олган бир қанистра спиртни қаерга қўйишни билмай қолибди. Божхонадагилар бунақа нарсани ўтказармикин, дея хавотирланибди...

Тошкентга келгач, тепловозга бориб қараса, бошқа машинист ўтирган эмиш. Омонатини суриштирса, у: "Тошкентга келгунча тепловоз экипажи уч марта алмашади, берган одамнигиздан сўранг", дебди.

Азизбекдан бу воқеани эшитган Ҳокимназар унга шундай "насиҳат" қилибди:

— Агар экипаж уч марта алмашадиган бўлса, бундан кейин спиртни тўртта қанистрада олинг. Шунда биттаси ўзингизга етиб келади.

Ҳокимназарнинг офисидагилар дастурхон устида йиғилиб қолишса, қувноқ жамоанинг сўхбатини тинглаб, қоп-қоп ҳангома йиғиш мумкин. Жамоа аъзоси, собиқ журналист Абдуманнобнинг айтишича, уларда телерекламаларга пародия тўқиш одати ҳам бор экан. Масалан, "Билайн" уяли телефон тармоғининг бир рекламасида мижозлар рамзи бўлмиш балиқчалар сони экранда тобора кўпая бориб, кадр ортдан: "Ҳар етти сонияда биз биттага кўпаямиз!" — деган говуш янграйдди. Мана, унга тўқилган пародия.

Пивохонада одамлар тирбанд. Пича вақт ўтгач, бир маст кимса ташқарига чиқиб, майсалар устига ағдарилади. Сўнг иккинчи... тўққинчи... ўттиз биринчи мастлар ҳам бирин-кетин гаңдираклаб чиқибди, ўтлоққа чўзилашди. Ниҳоят охирига маст чиқиб келди: "Биз ҳар етти секундда биттага кўпаямиз!" — дея шерикларнинг ёнига гурсаллаб йиқилади.

Раҳмон ақанинг овзидан сигарет ариганини кўриш ҳатто хотинига ҳам насиб этмаган. Исмнинг ортига "сигарет" лақаби қўшиб айтиладиган зот Олтириқ бўйича биттагидан қишлоқимиздагилар фахрланиб юришарди.

Раҳмон-сигаретнинг ҳовлисида қишлоқнинг ҳамма жойидан кўришиб турадиган ёнғоғи бўларди. Бир кун шу даррактини учига чиқиб ёнроқ қоқайтса, оёғи тойиб кетибди-ю, шохдан-шоҳга юриганича пастга қулабди. Уйдагилар уғриб боришса, ўзи ниматажон аҳволда эмиш-у, ҳануз оғзида турган сигаретни бир-икки тортиб қўриб, атрофдагиларга дермиш:

— Учибди. Гултурт қақворинглар...

Таржимон ва публицист, миршаб-ликдан ҳожиликкача бўлган йўлини босиб ўтган Муҳаммадрасул қишлоқ-даллимни эшитиб, Малликон деган журналист укамизни эргаштирганича Ёзёвондан келиб қолди.

Алгач гурунглашдик. Қайтишларига, кўчага кузатиб қидим. Муҳаммадрасул "Тик"нинг эшигига калит соламоқчи бўлаётганда, Малликон парниҳотир оғайини фақат ўзи томондаги эшикни қулфлаб, бошқа эшиклар қулфини очиб қолдирган экан.

— Ҳа, Олтириққа келиб, ҳангомасиз қайтиб кетиш қийин.

— Тушгандаям, ўпқонга тушдим, хўжайин! Агар қафил бўлмасайиз...

— О, бу жуда оғир масала, қалтис иш.

— Биламан, хўжайин, биламан. Бир ҳаракат қилинг, сизга аталгани манови дипломатда...

Қўрғонбой Тўлғанбоев бир лаҳза ўйланиб қолди. Сўнг дипломатни очди. Очди-ю, юзига қизиллик югурди. Сўнг... қафтларини бир-бирига "қарс" этиб урди-да, телефонга ёпишди. Гушақни кўтариб, кимгадир ялинди, ёлборди, ўлғудай ятоқланди. Охири мудабога етди. Димоғи чор бўлиб, диванга ястанди. "Эҳ,

Ҳафиз

хайрият, кўнди-я, бу қалтис иш ҳам хамирдан қил суғургандай осон битди".

Кечки пайт хушқайфият билан ишдан қайтаман деб турса, ҳолавачасининг тунтинган ўғли эшик қоқиб кийиб қолди. Кам бўлмагур, ўта ҳалим, камтар йигит-да!

— Қўрғонбой ака! — деб гап бошлади меҳмон синик оҳангда. — Кафилликка олма-сангиз, ҳолим хароб...

— Тагин не фалокат? — жиддий сўради Тўлғанбоев. — Бозорага янги бозорқўм келди...

— Ҳа, ҳа, эшитувдим. — Мени паттақилидан ҳайдади. Ўғри, муттаҳам эмишман...

— Ҳў-ҳў! Жуда чатоқ-ку! — Шу важдан сиздай валлолатимизга юқуниб келдим-да! Жон ака, орага тушинг. Кафил бўлинг!

— О, бу ниҳоятда мушкул! Эшлаб бўлармикин?

— Эй, сиз элайсиз, элайсиз... Ҳа, айтганча, уйингизга икки бўрдоқини... Хамир учидан патир. Бир ҳаракат қилинг.

Қўрғонбой уйига тўлиб-тошиб қайтди. Қувончининг зўридан болааларига совға олди. Нега олмасин, қармоғига бир йўла иккита "лаққа" иланди-да.

Пичоғи мойга ботган Тўлғанбоев овқат маҳал оққан отиб, "тўлишводи". Сўнг ўғилчаси билан қолдан тойгунча "от миңди" уйнади.

Утерьяное Свидетельство о включении хозяйствующего субъекта в государственный реестр предпрятий и организаций №054394 от 05.05.2004. выданное Управлением статистики г.Ташкента Адвокатской фирме "ISTINA-PLUS"

считать недействительным

Бош муҳаррир Аҳмадjon МЕЛИБОЕВ

ЎТМОҚДА Қўқонлик шоирлар васфида

"Умр ўтмоқдагир, умр ўтмоқда..." Тўра СУЛАЙМОН

Мақсудахон машхур ижоди билан, Шоирлар ичра султон ўтмоқда.

Олимжон РАҲИМИЙ бир девон тузмиш, Уни чиқаришга ҳайрон ўтмоқда.

Мансур АБДУЛЛО — шоирнинг ўғли, Ёзган китоблари жовон, ўтмоқда.

Қўқонлик қолди-ку Маҳмуджон СУЛТОН, Ундан ҳажв кутиб Қўқон ўтмоқда.

Шеърларидан ажиб гулдаста тузиб, Қаламқаш САДРИДИН борбон ўтмоқда.

Саксондан сакраган Комилжон МАҲЖАМ, Ижода ёшлардай жавлон, ўтмоқда.

Адҳам ОЛИМ назмининг ҳадисин олди, Энди газал битиш осон ўтмоқда.

ДИЛБАРнинг қиёсин топмадим асло, Шеърларидек юксак осмон ўтмоқда.

Қирқ беш йилки тушмас қўлидан қалам, ҚАНОАТдек марду майдон ўтмоқда.

КОММУНА опага чўзайлик қўлни, Фарзанд ҳасратига нолон ўтмоқда.

Ижод осмони кенг, ҳаваскор бисёр Бугаюга илашиб сомон ўтмоқда.

Мўйдинжон, фурсатинг ўтмасин бекор, Шеърый шодларинг нимжон ўтмоқда.

Мўйдинжон ЙўДОШЕВ

Дунё — кенг...

МАШХУР МАКТУБЛАР

Яқинда XIX асрга озоғлик учун қурашган италиялик машхур тарихий шахс Жузеппе Гарибалдининг Британия парламенти раиси Чарльз Силининг рафиқаси Мэри Силига ёзган қирққа яқин мактублари топилди. Ҳозирга "Pontremoli" осори-атиқалар уйига сақланаётган ушбу мактублар Миланга кўчма қўйилди, деб ёзади "The Times" газетаси.

Хўш, италиялик қўмондон билан англиялик хоним ўртасидаги ёзишмалар нима ҳақда, дерсиз.



1864 йили Чарльз Сили Уайт оролидаги муҳташам уйда Гарибалдини қабул қилиб, уни бир ҳафта меҳмон қилади. Аслида Жузеппе Буюк Британияга Италияни бирлаштириш йўлида Чарльздан мадад сўраб келган эди. Гарибалдининг мамлакат бўйлаб қилган саёхатларида унга, асосан, Линколн шаҳри депутати Мэри Сили ҳамроҳлик қилади. Шу воқеа боис, улар орасида севиғ-муҳаббат пайдо бўлади.

Италияда чиқадиган "La Repubblica" газетасининг ёзишчи, Мэри Силининг Гарибалдига муҳаббатни жуда кучли бўлган. Хоним ҳатто умрининг охиригача кутубхонада генералнинг соч толлаларини асраб юрган экан. Гарибалди ҳам ўз мактубларида аёни "бебаҳо дўст", "фаршита" дея таърифлаган.

Гарибалди ва Мэри Сили ўртасидаги ёзишмалар қарийб ўн йил давом этган. Ушбу номларнинг аҳамиятли томони шундаки, улар нафақат ошқиннинг ички кечинмалари, балки ўша даврдати Италия ва Буюк Британиянинг ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаёти ҳақида ҳам қимматли маълумотлар беради.

СЕМИЗЛИК ПАНД БЕРДИ

Дунёдаги энг семиз одам севилисиз билан учрашуга чоғланган эди, бироқ узок ҳушидан бу учрашув аримас сабабга кўра қолдирилди, деб хабар беради Associated Press ахборот агентлиги.

Мексиканинг Монтерре шаҳри фуқароси 42 ёшли Мануэл Урибени махсус каровати билан бирга кўтарма қран ёрдамда кўтариб, соғбонлар билан жиҳозланган машинага ортишди. Лекин йўлда кўприкка урилиб соғбон устунларидан бирининг синиб тутиши Мануэлга қаттиқ таъсир қилди. Қўрққанидан қон босими тушиб кетган эркакни докторлар дарҳол уйига қайтаришди.

Нақд 230 килограммга озганини севилисиз билан нишонлаш учун Мануэл шу йил атиги илк марта кўчага чиққан эди. Сайёрамиздаги энг оғир вазнли бу йигит сўнги марта 2007 йили сайрга чиққан. Тўшқандан ўзи тўра олмайдиган Мануэл 2002 йилдан буён бирор марта ҳам кўча юзини кўрмаган эди.



Йигирма ёшдан сўнг Урибе номалум сабабларга кўра жуда тез семирла бошлади ва 570 килограмм вазни билан "Дунёдаги энг семиз киши" сифатида рекорд ўрнатди. Бундан ропороса икки йил олдин ҳаддан ташқари семизликдан қийналган Мануэл озиш учун ёрдам сўраб телевидение орқали шифокорларга мурожаат қилганди. Шундан сўнг мексикалик ва америкалик бир гуруҳ докторлар беморга оқсил моддалари қўй ва углеводлари ниҳоятда кам бўлган алоҳида овқатлар буюришди, махсус машқлар ўйлаб топилди. Бу муолажалардан сўнг Мануэлни аҳоли яхши тарафга ўзгара борди. Унинг айтишича, ҳозир севилисизнинг қўллаб-қувватлаётгани унга катта мадад бераётган экан.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуфнинг онаси

Эфнон ая СОТВОДИЕВНИНГ вафоти муносабати билан марҳуманининг қариндош-уруғларига чуқур таъзия изхор қилади.

ЭВЛОН-ШЕЪР Баҳор келди, мақола-мас Газетани шеър босди, Саҳифага жойлай олмай Муҳаррирни тер босди.



МУАССИСАЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРАТИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВИЧЛАР УЮШМАСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati Манзилмиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32 Қабулхона — 233-52-91 Котибият — 236-56-50

Навбатчи — Носиржон ЖўРАЕВ Саҳифаловчи — Байрамали МУҚИМОВ «Шарқ» наприёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ. СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигинда 0283-рақам билан рўйхатда олинган. А — 6333. Буюртма Г — 248. Ҳажми — 5 босма табоқ. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташвиротлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6 7 8